

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

VATANDOSH PLUS

\$0.50

Маданий-маърифий газета. 2011 йил, 18 май. 4-сон.

"VATANDOSH" ЯНГИ ҚИЁФАДА!

Газетамиздаги ўзгаришлар диққатингизни тортган бўлса керак. Аввало, "Vatandosh" номига "Plus" қўшимчаси қўшилди. Яна бир катта ўзгариш – ушбу сон тўлалигича кирилл алифбосида берилмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор.

Газетамизнинг илк нишона сони чиққандан бери номимиз, доврўғимиз кундан кун ошиб бормоқда. Нафақат Америкадан, балки дунёнинг турли бурчакларидан, хусусан, ватанимиз Ўзбекистондан нашримиз ҳақида кўплаб илиқ фикрлар, табриклар олмақдамиз.

Айни пайтда, газетани лотин ёзувида ўқишга қийналаётган ватандошларимиз бор экан. Мақсадимиз Америкадаги ўзбеклар жамиятини тўла қамраб олиш ва барчанинг она тилимизда газета ўқишга бўлган чанқоғини қондириш бўлгани учун уларнинг фикрларини ҳам эътиборга олишни лозим деб топдик.

Шу боисдан, асосий газетамизга қўшимча сифатида ҳар ойнинг ўртасида "Vatandosh-Plus" махсус сонини чоп этишга қарор қилдик. Эслатиб ўтамиз, "Vatandosh" газетасининг асосий нашри ҳар ой бошида лотин ёзувида чиқишда давом этади. Ушбу кирилл ёзувидаги махсус сонни асосий газетамизга илова тарзида қабул қилишингизни сўраймиз.

Таҳририят



Силвия-Зулфия Назар (Sylvia Nasar)

4-5-саҳифаларда ўқинг

БУЮК ТАФАККУР СОҲИБАСИ

"ГРИН КАРТА - 2012" НАТИЖАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ



"Турли миллат вакиллари учун иммиграцион визалар" (DV Lottery) дастурини амалга оширувчи АҚШ ҳукумати веб-сайтнинг (<http://www.dvlottery.state.gov/>) хабар беришича, 2012 йил учун ўйналган "Грин Карта" лотереяси натижалари ҳаққоний эмас деб топилган.

3-саҳифа

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК БИЗНЕСИМИ ЁХУД СОҒЛИК ҚИРРАЛАРИ



Химия, фармакалогия саноати ва агросаноат тизими раҳбарларининг фаолияти Фарб дунёсининг тиббиёт соҳасига раҳбарлик қилаётган олигархларни бойитишга қаратилган: касал одамлар қанча кўп бўлса, уларнинг фойдаси шунчалик ортиб боради.

3-саҳифа

ФАРЗАНДИМ ИККИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШИ МУМКИНМИ?



Савол: Фарзандим АҚШда туғилган. У АҚШ фуқароси. Мен ва турмуш ўртоғим Ўзбекистон фуқароси бўлганлигимиз учун қизим ҳам Ўзбекистон фуқаролигини олиб, икки давлат (ҳам АҚШ, ҳам Ўзбекистон) фуқароси бўлиши мумкинми?

10-саҳифа

ЭНРИКЕ ИГЛЕСИАС БИЛАН ҚЎШИҚ АЙТГАН ЎЗБЕК ЙИГИТИ



Энрике Иглесиас яқинда Москвада катта концерт берди. Саҳнага чиқиб Энрикега жўр бўлиш ва у билан бирга бир саҳнада қўшиқ куйлаш залдаги минглаб ашаддий мухлислар орасидан ўзбекистонлик 24 ёшли Улуғбек Исмоиловга насиб этди.

14-саҳифа

ЯНГИЛИКЛАР**ЁШ КИМЁГАРЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВ
ҒОЛИБИ**

24-30 апрель кунлари Москва шаҳрида ўқувчилар ўртасида 45-Халқаро Менделеев олимпиадаси ўтказилди. 15 та мамлакатдан ташриф буюрган 96 нафар ўқувчи иштирок этган нуфузли танловда Ўзбекистонлик ёш кимёгарлар битта кумуш, битта бронза ҳамда 8 та рағбатлантирувчи мукофотни қўлга киритишди.



“Ўзбекистон овози” газетасининг ёзишчи, кимё фани бўйича Халқаро Менделеев олимпиадасида ўзбекистонлик ёшлар 1997 йилдан бери иштирок этади. Ҳозиргача ватандошларимиз ушбу мусобақада 3 та олтин, 4 та кумуш, 18 та бронза медали ҳамда 9 та рағбатлантирувчи дипломни қўлга киритишган.

2008 йилда Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори В.Садовничийнинг таклифи билан Тошкентда ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчиси Анвархўжа Муродхўжаев мамлакатимиз ўқувчилари орасида биринчи бўлиб Халқаро фан олимпиадасида олтин медални қўлга киритган эди. 2009 йилда Туркменистонда ўтказилган ёш кимёгарлар баҳсида ушбу лицейнинг икки нафар ўқувчиси совриндорлар сафидан жой олган бўлса, 2010 йилда Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ташкил этилган олимпиадада лицейнинг 5 нафар ўқувчиси 4-5-ўринларни қўлга киритишган эди.

**ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР Сони 28
МИЛЛИОНДАН ОШДИ**

Давлат Статистика қўмитасининг яқинда ошкор этган маълумотида кўра, Ўзбекистон аҳолиси сони 28,54 миллион кишига етган. Ҳисоботда уларнинг 51 фоизи шаҳарларда яшаши айтилади.

2011 йилнинг январь ойдан март ойигача бўлган даврда аҳоли ўсиши 17.4 про-



миллени ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1.3 промилле кам. Жорий йилнинг ҳисоботда ўрганган даврида ўлимлар сони 4.6 промилле бўлиб, бу ўтган йилги ҳисобдан 0.3 промилле юқоридир.

Жорий йилнинг январь ва март ойлари орасида мамлакатда бир ёшгача бўлган болалар ўлими 1700 тани ташкил этган. Бу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1.6 промилле кам. Шу давр мобайнида Ўзбекистонда 56700 янги никоҳ қайд этилган бўлиб, ажрашганлар сони эса 4400 тани ташкил этган.

“BEST SOFT – UZBEKISTAN 2011”

Тошкентда компьютер дастурчиларининг “Best Soft Uzbekistan – 2011” йиллик форуми ўтказилди, дея хабар беради “ЎЗА” ахборот агентлиги. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган.

Форумда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни амалиётга жорий қилиш соҳасидаги таниқли мутахассис ва экспертлар, қатор етакчи хорижий компаниялар, шунингдек, парламент, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.



Анжуманда Ўзбекистонда электрон ҳукуматдан фойдаланиш тизими тақдироти ўтказилди. Шунингдек, “ягона дарча” технологияси бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг янги даражаси, ахборот сайт-агрегаторлари негизда интернет-сервисларни ривожлантириш истиқболлари, илғор ахборот технологиялари – бошқарув ва фазовий маълумотларни таҳлил қилиш технологияларига оид маърузалар ўқилиб, улар қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

**ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН
ПОЧТА ТИЗИМИГА ЎТМОҚДА**

NewsUz.Сомнинг ёзишчи, Ўзбекистонда давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари 2011 йилнинг якунига қадар ягона ҳимояланган электрон почта тизимига ўтади. Мазкур почта идораларо мулоқотни қулайлаштириш ва аҳолининг мурожаатларини осонлаштириш мақсадларига хизмат қилади. Янги тизим давлат идоралари ўртасида ўзаро электрон ҳужжат алмашувини йўлга қўйишга ҳам ёрдам бериши кўзда тутилган.

Марказий ва ҳудудий бошқарув идоралари ўртасида ягона ҳимояланган почта тизими ва электрон ахборот алмашуви системасини жорий этиш бўйича махсус тадбирлар режаси Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

Бунга кўра, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияла-

рини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш мазкур тизимларни 2012 йилнинг 1 январидан кечиктирмай ишга тушириши лозим.

Расмий маълумотга кўра, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 7,4 миллион кишини ташкил этади.

**ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ: ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ
РЕЖАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (ЎЗМБ) матбуот хизматининг эълон қилишича, Ўзбекистон Миллий банки ва Хитой Давлат Тараққиёт Банки (ХДТБ) ўртасида Англашув меморандуми имзоланган. Меморандумдан кўзланган мақсад келгусида икки молиявий институт ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Меморандумда ХДТБ томонидан умумий ҳажми 500 млн. долларгача бўлган лойиҳалар, шу билан бирга, ўзбек ва хитой компаниялари ўртасидаги савдо алоқалари, Навоий эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини ошириш кўзда тутилган.

«Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» Миллий авиакомпанияси томонидан хорижда ишлаб чиқарилган самолётларни сотиб олиш лойиҳасини молиялаштириш имкониятлари ҳам муҳокама этилди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАКнинг ҳаво кемалари паркинни янгилаш ва бир хиллаштириш лойиҳаси доирасида ЎЗМБ ва ХДТБ Airbus A320-200 турдаги самолётларни сотиб олиш бўйича заём келишувини тузган эди.

**“ТОМОША” ИЛК ПРЕМЬЕРАСINI
ЎТКАЗДИ**

“Томоша” деб номланувчи АҚШдаги биринчи ўзбек театри жамоаси 13 май куни Нью-Йорк шаҳрида биринчи премьерасини ўтказди. Спектакл ва куй-қўшиқларга бой бўлган маданий тадбир “Кулги ва қўшиқ кечаси” деб номланди.



Театр ва кино актёри Сидиқ Санаев бадиий раҳбарлик қилган ижодий жамоа чиқишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, раққоса Замира Салим, Ўзбекистонлик кино ва театр актёрлари Ҳусния Санаева, Жаъфар Мўминов, Фарҳод Усмонов, Парвинахон ҳамда Шаҳриёр Амонов иштирок этди. Шунингдек, Ўзбекистонлик бир неча халқ суйган қўшиқчи ва санъаткорлар ҳам ўз ижодий чиқишлари билан кечага файз қўшди.

Премьерада 150 дан ортиқ киши иштирок этди. “Uzbek TV New York” телеканали Президенти Наргиза Машарипованинг айтишича, томошабинлар спектаклни илиқ кутиб олган.

Беҳзод МАМАДИЕВ тайёрлади.

Vol.4. Wednesday,
May 18, 2011

Publisher:
Farhod Sulton

Executive Editor:
Davronbek Tojialiyev

Deputy Editor:
Alisher Aymatli

Deputy Editor:
Toshpulat Rahmatullaev

News Editor:
Behzod Mamadiyev

Managing Editors:
Abdulla Kwaja
Lutfulla Tore
Tamara Nazarova
Ulugbek Qosimov

Advertising Manager:
Sodiq Fayzulla

Web Developer:
Shukhrat Pardayev

Editorial and Executive
office:

2715 Coney Island Ave.
Brooklyn, NY. 11235

Phone: 646.397.0325

Web: www.vatandosh.com
www.vatandosh.uz

Email:
info@vatandosh.com

All material in this newspaper has been copyrighted and is the exclusive property of Vatandosh Inc and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editor's point of view.

We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

Price: \$0.50
Circulation: 5000

**Азиз ватандошлар!
“Ватандош” газетаси
билан ҳамкорликда
ишлайман, ўз
маҳсулот ва
хизматларимни
ушбу нашрда
тарғиб қиламан,
бу янги нашрнинг
оёққа туриб
олишига ҳомийлик
кўрсатаман,
деганларга ҳеч
қандай монелигимиз
йўқ, эшигимиз
Сиз азизлар учун
хамиша очик!**

**“ГРИН КАРТА - 2012”
НАТИЖАЛАРИ БЕКОР
ҚИЛИНДИ**

“Турли миллат вакиллари учун иммиграцион визалар” (DV Lottery) дастурини амалга оширувчи АҚШ ҳукумати веб-сайтининг (<http://www.dvlottery.state.gov/>) хабар беришича, 2012 йил учун ўйналган “Грин Карта” лотереяси натижалари ҳаққоний эмас деб топилган. Расмий маълумотга кўра, компьютер киритилган барча маълумотлар орасидан қатнашувчиларни тасодифий танлашда хатоликка йўл қўйган.

Агар сиз 2012 йил учун “Грин Карта” ютуғини қўлга киритган бўлсангиз, бу ютуқ бекор қилинган. Ёки бу йил учун ўйналган лотереяда омадингиз чопмаган бўлса, ҳали умидни узишга эрта.



АҚШ ҳукумати эълон қилган расмий маълумотга кўра, 2012 йил учун “Грин Карта” янгидан ўйналади. Компьютер танлов ғолибларини аниқлашда фақат эрта киритилган маълумотларнинг санаб хатога йўл қўйгани учун, майнинг бошида эълон қилинган ютуқ натижалари бекор қилинган. Ушбу маълумотга кўра, иштирокчилар қабул қилинган муддат давомида кеч маълумот киритганлар тасодифий танловда умуман иштирок этмаган. Шунинг учун барча иштирокчилар орасида танлов қайтадан ўтказилиши маълум қилинган. Янги танлов натижалари 2011 йил 15 июлда маълум бўлиши айтилмоқда. Демак, дастур иштирокчилари янги натижа ҳақида маълумотни шу йилнинг 15 июль куни расмий сайтдан (<http://www.dvlottery.state.gov/>) олишлари мумкин. Ўз натижангизни билишда, маълумотингизни киритган пайтингизда сизга жўнатилган тасдиқ рақамингиздан фойдаланасиз.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ ҳукуматининг “DV Lottery - 2012” дастури учун рўйхатдан ўтиш 2010 йилнинг 5 октябридан 3 ноябрга давом этган эди. Ҳар йили ушбу дастур асосида бутун дунёдан 50000 киши АҚШга доимий яшаш учун келади. Ўзбекистондан ҳар йили “Грин Карта” олувчилар сони 5000 атрофида.

Сиҳат-саломатлик мавзуси оммавий ахборот воситалари (ОАВ)да мунтазам ёритиб борилаётган мавзулардан бири саналади. Бу бежиз эмас, албатта. Инсон учун муҳим, керакли ва фойдали ахборот етказиб туриш асосий мақсади бўлган ОАВ аҳоли саломатлиги масаласига бефарқ қараб туrolмайди. Чунки эндиликда инсон соғлиғига масъуллик фақат тиббиёт муассасалари зиммасида эмаслиги яққол аён бўлиб бормоқда. Ҳар бир одам ўзига, ўз саломатлигига ўзи эътибор қаратиши лозимлиги хусусида сўз юритилмоқда. Шундай экан, аҳолига бу борада керакли маълумотни етказиб туришда матбуот, радио, ТВ ва интернетнинг ўрни беқиёсдир.

СОҒЛИҒИМИЗ КИМГА БОҒЛИҚ?

Биз кўп йиллар давомида ўз саломатлигимизга жавобгарлик ҳиссидан узоқлашган эдик. Ўрта ва катта ёшдагилар бепул тиббиёт хизмати, арзон дориларга ўрганиб, аҳоли соғлиғи учун давлат, тиббиёт муассасалари масъул деган фикрда эди. Аслида-чи? Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, инсон саломатлиги фақат 10 фоиз соғлиқни сақлаш муассасаларига, 20 фоизи ирсиятга, яна 20 фоизи атроф-муҳитга боғлиқ бўлиб, қолган 50 фоизи инсоннинг ўзига, унинг турмуш тарзига боғлиқ.

Бу масала бўйича ўз шахсий факрини билдирган бир тадқиқотчи эса қуйидаги рақамларни келтиради: инсон саломатлиги 15 фоиз тиббиёт тизими, 10 фоиз доридармонга, 5 фоиз спортга (муаллиф “катта спорт” билан шуғулланганларнинг аксарияти турли хасталикларга чалинадиганлигини инобатга олган) ва 70 фоизи одамнинг ўзига боғлиқ.


Рақамларга эътибор қаратинг. Гап улардан қайсисини инобатга олишда эмас. Энг асосийси — одамнинг соғ ёки хасталиги кўп жиҳатдан ўзига боғлиқлигини англаб етишимизда. Тўғри-да! Мана, мулоҳаза юритиб кўрайлик. Фан ва техника ривожланиб бормоқда, тиббиёт соҳасида қанчадан қанча ютуқлар қўлга киритилганлиги ҳақида бонг урилмоқда, дунё бўйича бу йўналишдаги тадқиқот ишларига катта маблағлар сарфланмоқда, бир-биридан кучли янги турдаги доридармонлар яратилмоқда. Аммо касалликлар ва хаста одамлар сони камаймасдан, аксинча ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда бу хусусида кўп гапирилмоқда. Ҳозирча фақат битта мисол билан чекланайлик. Франциялик олим, тиббиёт фанлари доктори Луи Броуер 280 саҳифадан иборат “Фармацевтика ва озиқ-овқат мафияси” номли китобида кўпчиликни ҳайратга солган хулосага келади. Унингча, химия, фармацевтика саноати ва агро-саноат тизими раҳбарларининг фаолияти Фарб дунёсининг

тиббиёт соҳасига раҳбарлик қилаётган олигархларни бойитишга қаратилган: касал одамлар қанча кўп бўлса, уларнинг фойдаси шунчалик ортиб боради.

Китобда аниқ мисоллар орқали улкан маблағ сарфланаётганлиги қарамасдан беморлар сони ортиб бораётганлиги кўрсатилган. Масалан, Швейцарияда 1910 ва ундан кейинги йилларда касаллик оқибатида ўлганлар сони олиб кўрайлик. Кейинги йил-

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
БИЗНЕСМИ?**



ларда аҳоли ўсиши сурати инобатга олинган ҳолда келтирилган рақамлар қуйидагича: саратон (рак) касаллигидан оламдан ўтганлар сони 8 марта, юрак хасталигидан ўлганлар сони 2 марта ортган.

Бу юқорида саломатлигимиз тиббиёт соҳаси ва дори дармонларга қараганда кўпроқ ўзимизга боғлиқ деган мулоҳаза тўғрилигига бир мисол эмасми? Афсуски, ҳали кўпчилигимиз соғлиғимизга керагича эътибор қаратмоқдамиз, деб айтолмаймиз. “Касал бўлсам, кейин даволанаман” ёки “қўлимдан нима ҳам келарди, дўхтирлар бор, даволашади”, деган ишонч билан юрамиз.

Саломатлик маданияти

Соғлом бўлиш, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш ҳамда соғлом турмуш тарзи ҳар бир кишининг ҳаёт мазмунига айланиши муҳим. “Саломатлик маданияти” тушунчасини кенг қўллаш, унинг мазмун-моҳиятини очиб беришда соғлиқни сақлаш, таълим, оила ва ОАВнинг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Бунда аҳоли фақат керакли билим ва маълумот олиш билан чекланмасдан, уларни амалда қўллаш зарурлигини ҳам инобатга олиш керак.

Ўз соғлиғи ҳақида беҳабар, саломатлигини мустаҳкамлашни билмайдиган одамни маданиятли деб аташ мумкин эмас. Саломатлик маданияти умумий маданиятнинг ажралмас қисмидир. У ўзига турмуш тарзи маданияти, овқатланиш маданияти ва жисмоний маданиятни қамраб олади. Саломатлик ҳақида сўз кетганда,

мақолалар бериб боришга интиламиз.

Мақолалар тайёрлашда яна бир ҳолатга эътибор қаратишимизга тўғри келади. Газета Америкадаги ватандошларимизга мўлжаллаган. Биз соғлиғимизга бу ердаги экология, озиқ-овқат, турмуш ва меҳнат шароити ҳамда бошқа омиллар қандай таъсир этишини инобатга оламиз.

Мана, мисол учун овқатланиш муаммосини олиб кўрайлик. Бу ерда юртимизга қараганда бошқача овқат истеъмол қилишга тўғри келади. Сиз хонадонимизда ўзимиз ўрганган миллий таомларимизни тайёрлаймиз, дейишингиз мумкин. Аммо ўша овқатни тайёрлашга кетган масаллик бошқача йўл билан етиштирилган эмасми? Бундан ташқари, аъёнаимизга хос бўлмаган қанча янги маҳсулотлар истеъмол қилмоқдамиз. Улар қанчалик мижозимизга мосу, улардан қанчалик тўғри фойдаланмоқдамиз? АҚШ аҳолисининг овқатланиш маданиятидаги қусурларини ҳисобга олаёلمизми?

Шу муносабат билан қуйидаги рақамларга эътибор қилайлик. 54 миллион америкалик семизликдан азият чекади. Улардан 6 миллион нафари ўта семиз бўлиб, вазни кераклигисидан 45 кило (100 фунт) ортик. “Фастфуд миллати: умумамерика овқатининг қоронғи томони” китобининг муаллифи Эрик Шлоссер ушбу маълумотларни келтираркан, тарихда ҳеч бир миллат бунчалик тез семирмаганлигини уқтиради. Муаллиф “Макдоналдс” тармоғининг кенг ёйилиши аҳоли соғлиғига қанчалик салбий таъсир этганлигини далиллар билан очиб беради.

Бу ердаги овқатнинг бошқа миллат вакиллари таъсири мисоли тариқасида шуни қайд этиш лозимки, авваллари Японияда семиз одам деярли учрамаган. Кун чиқар мамлакатда денгиз маҳсулотлари ва сабзавотларга бой овқат истеъмол қилиш аъёнаси мавжуд эди. Аммо “Макдоналдс”нинг японлар ҳаётига кириб бориши уларни ҳам семиришига олиб келди.

Биз фарзандларимизни ҳам, ўзимизни ҳам тез тайёрланадиган овқатлар еб, устидан газланган совуқ ичимликлар ичишдан сақлашимиз зарур. Бундай овқатланишнинг зарари ҳақида келгусида аниқ мисоллар келтирилган мақолалар бериб бориш ниятимиз бор. Инсон организмнинг янги шароитга мослашиб боришининг ўзи муҳим мавзу.

**Тошпўлат
РАҲМАТУЛЛАЕВ,
toshpulat@vatandosh.com**

унинг бир-бирига узвий боғлиқ бўлган уч қисмдан иборат эканлигини назарга олмоқ лозим. Булар – жисмоний, руҳий ва маънавий-ахлоқий саломатлик. Соғлиқ бу тана ва руҳ уйғунлиги нишонасидир.

Ана шуларни ҳисобга олиб, саломатликни таъминлаш ва узоқ йиллар давомида сақлаб туриш учун мутахассислар қуйидаги шартларни амалга оширишни тавсия этишади:

1. Соғлом турмуш тарзига риоя этиш.
2. Тўғри овқатланиш.
3. Танани чиниқтириш учун жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш.
4. Кундалик турмушда атроф-муҳит таъсирини инобатга олиш.

Биз келгусида айнан ана шу масалаларга бағишланган

АМЕРИКАЛИК ЎЗБЕКЛАР

Зулфия-Силвия Назар ҳақида ёзиш мен учун анча қийин кечди. Биргина мақолада унинг кашфиётлари ва қаламига мансуб қўлёзмаларни номманом санаб чиқиш осон эмас. Зулфия Назарнинг АҚШ ва жаҳон иқтисодига оид кўплаб мақола, илмий тадқиқот ва китоблари дунёнинг энг нуфузли олимлари томонидан тан олинди, эътироф этилган.

2002 йили Индиана университетиде малака ошираётганимизда катта шов-шувларга сабаб бўлган «A Beautiful Mind» (Тафаккур ўйинлари) фильмини кўриш каминага ҳам насиб қилган эди. Фильм менда чуқур таассурот қолдирди. Унинг титрларида мазкур кинокартина ижодкорларидан бири Силвия Назар эканига кўзим тушиб қолди. Хойнаҳой, бу ўзимизнинг миллатдошимиз бўлса керак, деган хаёлга борган эдим ўшанда. Сал вақт ўтиб, мазкур университет профессори Билл Фиерман менга Зулфия Назарнинг ўзбеклиги ва бу фильм унинг асари асосида суратга олингани тўғрисида сўзлаб берди. Шунда мен ўзбекларни дунёга машҳур қилаётган миллатдошим борлигидан ғурурландим.

2005 йили Вашингтонда Жаҳон ўзбеклари форумида иштирок этганимизда, Рўзи Назар исми яна бир миллатдошимиз билан танишдим. У киши мени ўз уйига таклиф қилди. Шу одам Зулфия Назарнинг отаси эканлигини ўша пайтда билмаган эдим. Эртаси куни Рўзи ака ва меҳмондўст келинонимиз Линдахонимнинг Виржиниядаги шинамгина уйда меҳмон бўлдим. Кўзим стол устида турли тилларда нашр этилган «A Beautiful Mind» китобига тушди. Рўзи Назар ва Линдахоним Зулфия Назарнинг ота-онаси эканликларини шу ерда билдим. Улар менга қизларнинг қизиқарли ҳаёти тўғрисида гапириб беришди.

Рўзи Назар қизининг бир неча суратини уй тўрига осиб қўйган экан. Барча расмларни бирма-бир томоша қилдим. Отахон набиралари Клара, Лилий ва Жекнинг расмларини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири тўғрисида ғурур билан гапириб берди ва келажакда уларнинг оналаридай машҳур одам бўлишларига умид билдирди.

Зулфия Назар 1947 йил 17 август куни Олмониянинг Розенхайм шаҳрида туғилган. 1951 йили Рўзи Назар оиласи билан АҚШга кўчиб келгач, Зулфия Назар бошланғич ўрта мактаб таълимини АҚШда олади. У ўқишини 1959 йили Туркияда давом эттиради, чунки бу пайт отаси Туркиядаги дипломатик миссияда фаолият юритаётган эди.

Зулфия ўрта мактабни Анкарада тугатади. Шу ерда у турк тилини мукамал ўрганади. Болалигидан ўргангани учун инглиз, олмон ва турк тилларида бемалол гаплаша олади.

Зулфия мактаб ёшидан ижод қилишга қизиқди, ҳикоялар ёзди. Шу боисдан бўлса керак, 1967–1968 йиллар Зулфия Назар Мюнхен (Олмония) университетиде адабиёт ихтисоси бўйича таълим олади. Кейинчалик Антиох Коллежини (АҚШ) битириб, адабиёт соҳасида бакалавр даражасини олади.

Ёш Зулфияда иқтисодга бўлган

қизиқиш ҳам кучли эди. Шу боис 1974 йили у Нью-Йорк Иқтисод университетида ўқишга киради. 1976 йили уни битириб, иқтисод магистри илмий унвонини олиш учун диссертация ёқлайди. Университет раҳбарияти иқтидорли Зулфияни мазкур илмгоҳдаги Илмий-тадқиқотлар марказида ишлашга таклиф қилади.



БУЮК ТАФАККУР СОҶИБАСИ

Нобел мукофоти лауреатининг шогирди

1977 йили иқтисод соҳасидаги иқтидорли ёш олима Зулфия Назар жаҳонга машҳур иқтисодчи, Нобел мукофоти лауреати Василий Леонтев назарига тушади. Леонтев ёш олимани ўзи раҳбарлик қилаётган Нью-Йорк университетининг Иқтисодиёт таҳлили институтига таклиф қилади. Ўша пайтлар бу институтда ишлаш кўпчилик иқтисодчи илмий ходимлар учун катта орзу эди. Тез орада Зулфия Назар Василий Леонтев раҳбарлигида иқтисодий таҳлил масаласида қатор қизиқарли тадқиқотлар олиб боради ва профессорнинг ишонган ва севимли шогирдларидан бирига айланади. У устози Василий Леонтев билан ҳамкорликда «АҚШнинг ноёб ероти металлларининг 2035 йилга қадар захираси ва уларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири» китобини ёзади. Зулфия бу институтда тўрт йил самарали фаолият кўрсатади.

Зулфия 1981 йили ўз соҳасини ўзгартириб, «Жамоатчилик ахборотлари тармоғи илмий-тадқиқот институти»нинг ёқилғи тармоғи директори вазифасида ишлайди. 1982–1983 йиллар эса «Дата Корпорейшн» марказида катта иқтисодчи лавозимида ишлайди.

Америка президентлари тарихида катта из қолдирган Роналд Рейган президент бўлиб сайлангандан кейин

одатга кўра ўз иқтисодий дастурини эълон қилади. Зулфия Назар унинг бу дастурига қарши чиқиб, «The New York Times» газетасида ўзининг танқидий мақоласини эълон қилади. Бу мақола катта шов-шувга сабаб бўлади. Шундан сўнг мақола муаллифи Зулфия «Fortune» номли йирик бизнес журнаliga муҳаррир ўринбосари лавозимида

марказларда ишлаш учун йўл очади. 1983–1990 йилларда Зулфия Назар АҚШнинг етакчи матбуот органларидан «US News & World Report» журна-лида иқтисодий шарҳловчи, «Fortune» журна-лида эса ижодкорлик қилиб, ўз тажрибасини оширади ва услубини такомиллаштириб, ўз мактабига асос солади.

Иккинчи кашфиёт

Зулфия Назар ҳурматли устози, буюк иқтисодчи олим Василий Леонтев билан бирга «АҚШ ва жаҳон иқтисодиётида ёқилғи бўлмаган маъданлар ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш, 1980–2030» мавзусида йирик иқтисодий кашфиёт яратади. Мазкур илмий кашфиёт дунёнинг етакчи олимлари томонидан иқтисодиёт соҳасида янги йўналиш сифатида тан олинади. Зулфия Назар бундан ташқари В.Леонтев ва М.Беверлар билан ҳамкорликда хомашё ва уни ишлаб чиқариш ҳамда иккиламчи металларни қайта ишлаш таҳлилларига оид туркум илмий кашфиётлар қилади. Зулфия Назар доимий равишда ўз малакасини ошириб боради. У Нью-Йорк, Принстон, Кембриж университетлари ва институтларида малака ошириш тренингларида иштирок этади.

«The New York Times» да ўн йил

Зулфия Назар иқтисодиёт соҳасида илмий изланишлар олиб бориш билан бир қаторда журналистика соҳасида ҳам талай муваффақиятларга эришади. Унинг лаёқати, иқтисодий билими, журналистлик қобилиятини ҳисобга олиб, дунё миқёсида обрўси ва нуфузи баланд «The New York Times» газетаси раҳбарияти 1991 йилда Зулфияни тахририятга ишга таклиф этади. Унга АҚШ ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланишини кузатиб бориш вазифаси топширилади. Март ойидан бошлаб рўзномада Зулфия Назарнинг кўплаб мақолалари чоп этила бошлайди.

Зулфия ўн йилга яқин «The New York Times» газетасининг иқтисод йўналиши соҳасида муҳбир вазифасида ишлаб, қатор таҳлил ва шарҳлари билан кўпчилик эътиборини ўзига тортади. Шу билан бирга у 1991–1999 йилларда «The New Yorker», «Newsweek», «The New York Times Sunday Book Review», «Fast Company», «London

ишга таклиф этилади. Шу тариқа унинг журналистлик фаолияти бошланади.

Зулфиянинг иқтисодиёт соҳасидаги илк кашфиёти

1983 йили Зулфия Назар АҚШ бизнес бозори учун минтақавий иқтисод моделини тузиб, бу соҳада муҳим кашфиёт яратади. Мазкур кашфиёт АҚШ иқтисодчилари томонидан юқори баҳоланади. Бу Зулфиянинг илм-фан соҳасидаги биринчи ва муҳим кашфиёти эди. Айнан шу кашфиёт Зулфия Назарни дунёга танитади, обрўсини ошириб, дунёга машҳур нашриёт ва илмий



Зулфия Назар «Туркистон-Америка» ассоциацияси фаоллари билан

«Telegraph» каби машҳур газета, журнал, нашриёт ва матбуот агентликлари билан ҳамкорликда ишлаб, мақолалар чоп этади.

Зулфия академик соҳада ҳам фаолият олиб боради. У 2001 йилдан буён Нью-Йорк Колумбия университетининг Олий журналистика мактаби Бизнес журналистикаси факултети профессори. Зулфия газеталарда чоп этилган материаллардан ташқари, иқтисодий соҳасида ёзилган 300 дан ортиқ илмий мақола муаллифи.

Зулфия Назарнинг ёзувчилик маҳорати


1994 йили Зулфия Назар Нобел мукофоти совриндорлари тўғрисида, хусусан, ўша йили иқтисодий соҳаси бўйича мазкур мукофотга сазовор бўлган буюк математик, иқтисодчи, заковатли олим Жон Форбс Неш тўғрисида «The New York Times» газетасида бир саҳифа «Нобел мукофоти лауреатининг йўқотилган йиллари» номли мақоласини чоп этади. Мақола катта шов-шувга сабаб бўлади. Мақола газетанда чоп этилиши билан мамлакатнинг олти нашриёти Зулфияга ушбу мақолани кенгайтириб китоб ҳолига келтириш бўйича таклиф қилишади. Зулфия Назар китобни ёзишдан аввал Жон Нешнинг ўзидан, умр йўлдоши Алисиядан, сўнгра уни биладиган жами мингдан ортиқ кишидан интервью олади. Аввалига жиддий қизиқиш билдирмаган Неш Зулфия ишга жуда жиддий киришганини кўриб, унга яқиндан ёрдам беради.

Китоб асосида фильм яратиш фикри туғилгач, Акива Голдстен фильм учун сценарий ёзади ва унда Неш тақдирининг энг драматик лавҳаларига эътибор қаратилади. Фильм яратувчилари илтимосига кўра, Зулфия фильмининг дунё юзини кўришига яқиндан ёрдам кўрсатади. Режиссор Рон Ховард китоб асосида тайёрланган фильмига Зулфия Назар китобининг ўз номини қолдиради.

Зулфиянинг Жон Неш ҳақидаги китоби 30 дан ортиқ нашриёт томонидан инглиз, олмон, испан, рус, хитой, япон, форс, турк, ҳинду тилларида миллиондан ортиқ нусхада чоп этилган. Мазкур китоб учун Зулфия Назар Америка адабий танқидчилари миллий гилдиясининг «Энг яхши биографик адабий асар» номинацияси мукофотига сазовор бўлган. Ушбу асар, шунингдек, адабиёт, журналистика, мусиқа ва театр соҳасида буюк хизматлари учун бериладиган «Пулицер» мукофотига ҳам номзод сифатида тавсия этилган.

«A Beautiful Mind» фильмининг муваффақияти

Ушбу киноасар тўрт йўналиш бўйича «Оскар» совриндори бўлган. 2001 йили Голливуднинг машҳур кинорежиссори Р.Ховард томонидан суратга олинган фильмда асосий ролларни дунёга машҳур Рассел Кроу (Жон Форбс Неш), Эд Харрис (Паркер), Женифер Конели (Алисия Неш), Кристофер Пламмер (Доктор Розен) ва бошқа актёрлар ижро этган. Бу фильм кино оламидаги энг нуфузли «Оскар» мукофотининг:



«Энг яхши фильм», «Энг яхши сценарий», «Энг яхши режиссура», «Иккинчи пландаги энг яхши актриса» номли тўрт номинация бўйича мукофот олган. Бош рол ижраси Рассел Кроу «Олтин глобус» Америка киномукофотининг совринига ва ВАФТАнинг (The British Academy of Film and Television Arts) бир неча мукофотига сазовор бўлди. Бундан ташқари, ушбу фильм «Биринчи пландаги энг яхши актёр», «Оригинал мусиқа», «Энг яхши муҳаррир», «Энг яхши грим» каби тўрт номинация бўйича ҳам «Оскар» мукофотида номзод сифатида қатнашган. Фильм дунёнинг 100 дан ортиқ тилига таржима қилиниб, жаҳон экранларида намоиш этилган.

Зулфия Назарнинг сермахсул ва ранг-баранг ижодини қайнар булоққа қиёсласа бўлади. 2006 йили у иқтисодий масалалар бўйича янги илмий китобини нашр этди. Бу китоб «XX асрнинг буюк иқтисодчилари ва уларнинг иқтисод фанига қўшган ҳиссалари» деб номланган бўлиб, туркум мақолалардан иборат. Китобда ёритилган мавзулар бўйича Зулфия Россия, Хитой ва Европанинг қатор мамлакатларида маърузалар ўқиган.

Зулфия икки қиз ва бир ўғилнинг онаси. Умр йўлдоши Даррил Маклеод ҳам иқтисодчи. Тўнғич қизлари Клара иқтисодчи-ҳуқуқшунос. Бу оиланинг яқин дўсти, «Туркистон – Америка» ассоциацияси Президенти Абдуллоҳ Хўжанинг айтишича, Клара жуда иқтидорли мутахассис, келажаги порлоқ, илм-фан соҳасида ажаб эмаски, онасидан ҳам ошиб кетса.

Кейинги қизи Лилий, коллежни битириб, юқори синф ўқувчиларига математика фанидан дарс бериш билан бирга университетда магистр даражасини олиш учун ўқишни давом эттирмақда. Ўғли Жек (Жакк) эса Нью-Йорк университети талабаси.

Зулфия Назар оиласи билан Нью-Йоркнинг Тарритаун худудида истиқомат қилади. Америкалик ўзбек қизи Зулфиянинг дунё миқёсидаги фаолияти, эришган муваффақиятлари бизнинг иқтисодчиларимизга, қолаверса, ўсиб келаётган ёшларимизга ҳар томонлама олий ўрнак намунасидир.

Мавлон ШУКУРЗОДА

MOBILIA FURNITURE & CARPET

3144 Atlantic Ave Brooklyn NY 11208
Tel.: 7182352652

Mobilia Furniture and Carpet with its convenient location in Brooklyn, New York is a furniture shoppers dream with over 150,000 square feet of furniture to choose from. It suits the needs of even the pickiest shopper. We carry almost every furniture brand name and other unique exclusive imports such Form Italia Gucci, Benetti's Italia and Arredo Classic. Our wide range of selection includes antique, traditional to modern and even custom made furniture. We are open 7 days a week and we welcome you to visit our showroom.

Present this coupon and get an extra 10% discount!!!

DIGITAL WORLD

Tüm Cep Telefonu Markalarını Bulabileceğiniz Tek Adres
www.dworldshop.com

UNLOCKED

IPHONE	SAMSUNG	BLACKBERRY	HTC
LG	MOTOROLA	SONY ERICSSON	NOKIA
IPAD	MOTOROLA	BLACKBERRY	SAMSUNG

Size Özel İndirimlerle Tüm Elektronik Ürünler Ve Daha Fazlası
 246th Avenue Suit #600 (28 th Street) New York, NY 10001
 (212) 481 32 86

9 май — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



*Йўқ, йўқ, улгурдилар ёш бўлсалар ҳам,
Инсон қодир бўлган энг буюк ишга:
Улар улгурдилар энг муқаддас дам
Ўзни Онаюртга қурбон қилишга.*

Асқад МУХТОР

БАРВАСТА ЙИГИТ

(Бўлган воқеа)

1943 йилнинг 1 сентябри. Иккинчи жаҳон уруши. Украина...

Харков шаҳри яқинидаги немис фашист босқинчиларига қарши бўлаётган жанглардан бирига тайёргарлик кўраётган Совет жангчиларининг бир қисми оқоплар қазимоқда.

Уларнинг икки нафари ўзбек йигитлари. Йигитлар ёш, навқирон. Айниқса, улардан бири барваста, келишган қоматли, узун бўйли ва елкадорлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Бу азамат йигитга қўл пулемётидан ўқ отиш топширилган. Иккинчи йигит эса унинг ёрдамчиси.

Барваста йигит ватандош ёрдамчисига сўз қотди:

— Сен ўз оқопингни менинг оқопим ортига қазийвер, чунки жанг давомида, ҳар қалай, хавфсизроқ ҳолатда бўласан...

Жанг бошланди... Орадан бир неча кун ўтди...

Шу ердан ўтиб кетаётган бошқа бир гуруҳ Совет аскарлари сафидаги бир зобит тупроққа беланиб, қонга ботиб ётган бир кимсага ногаҳон кўзи тушиб қолади.

— Кимсан сен? Тирикмисан? — дея қичқиради зобит, — Қорасоч экан, хойнаҳой ватандошим бўлса керак. Мен уни бу ҳолатда қолдириб кетолмайман.

Ёш зобит дарҳол мажрўҳ жангчи ёнига тиз чўкиб, уни ушлаб кўради. Танасининг бир неча еридан оғир жароҳат олган йигит беҳуш, лекин тирик эди.

Зобит беҳуш жангчини елкасига олиб, уни тиббий ёрдам манзилигача кўтариб боради. Натижада йигит ҳаёти сақланиб қолади. У барваста йигит эди...

Бу уруш кўп одамларнинг ҳаётига зомин бўлди, лекин уларнинг эрklarини сўндира олмади. Қонли уруш йилларининг қора бир кунда рўй берган бу воқеадан сўнг ҳаёти сақлаб қолинган йигит яна эллик йилдан зиёдроқ умр кўрди.

Қўл пулемётидан ўқ отиш топширилган барваста жангчи менинг отам эди...

**Муҳаммад ЮСУФ,
АҚШ**

9 май куни бир гуруҳ нью-йоркликлар 2-жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 66-йиллигини хотирлаб, “Вернисаж” ресторанига йиғилдилар. ASA коллежи томонидан ташкил этилган кечада иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирок этиб, ёшларга 66 йил муқаддам бўлиб ўтган даҳшатли уруш хотиралари ҳақида сўзлаб

бердилар. Улар бугунги до-риломон кунларнинг қадрига етиш лозимлигини таъкид-

БРУКЛИНДА УРУШ КУНЛАРИ ХОТИРЛАНДИ

лашди. Тадбирда, асосан, ёшлар иштирок этди. Коллеж ҳисобидан меҳмонларга бай-

рам дастурхони ёзилди. Хуш-воз хонандалар иштирокида куй ва наволар янгради.

Тадбирда, шунингдек, Собиқ Совет Иттифоқидан кўчиб келган одамларни ўзида жамловчи Бруклиндаги маданий жамиятлар раҳбарлари, талабалар ва ёшлар уюшмалари етакчилари ҳамда ASA коллежи вакиллари иштирок этди.

ТАНИҚЛИ ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИ ЗИЁВУДДИН БОБОҚУРБОН ВАФОТ ЭТДИ


Туркиянинг Истанбул шаҳрида иқтидорли ўзбек журналисти, таниқли ижодкор, ватандошимиз Зиёвуддин Бобоқурбон 80 ёшида вафот этди.

Зиёвуддин Бобоқурбон 1931 йили Марғилонда туғилган. Туркистон заминида 30-йиллардаги қирғинлар вақтида унинг оиласи Ватандан чиқиб кетиб, Шарқий Туркистон, Ҳиндистон ва Покистонда яшайдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркияга кўчиб келадилар. Ёш Зиёвуддин Туркияда ўқиб, журналист касбини эгаллайди. 1954 йили Зиёвуддин Бобоқурбон Истанбулда муҳожир Туркистонликларнинг жамиятини (Türkistanlılar Kültür ve Sosyal Yardım Derneği) ташкил қилишда фаол иштирок этади. У 1962-1967 йиллари мазкур ташкилотга раҳбарлик қилади. Ўша йиллар Истанбулда «Янги Туркистон» (Yeni Türkistan) журналига асос солади ва унга кўп йиллар раҳбарлик қилади. Унинг ижод намуналари “Navadis”, “Milliyet”, “Торрак” газеталарида чоп этилади.

Зиёвуддин Бобоқурбон профессионал журналист сифатида «Озодлик» радиосида бир неча йил фаолият юргизган. Таниқли журналист 15 хорижий мамлакатда олиб борган журналистик фаолиятида, «Туркистонлик Жомбой» деган тахаллус билан кўпчиликка танилган.

Зиёвуддин Бобоқурбоннинг Тоҳир Қаҳҳор томонидан таржима қилинган “Хур Туркистон учун” тарихий-публицистик китоби 1994 йили Тошкентда, «Чўлпон» нашриётида чоп этилди. Унинг адабий ва журналистик фаолияти эътиборга олинди, 1992 йили Тошкентда Абдулҳамид Чўлпон мукофоти соҳиби бўлди.

«Ватандош» газетаси ижодий гуруҳи Зиёвуддин Бобоқурбоннинг оиласи ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади. Марҳум ватандошимизнинг охирати обод бўлсин!



**Мавлон ШУКУРЗОДА,
Нью-Йорк - Истанбул, 8-май 2011 йил.**

KJR & Sons Inc

Address: 6900 Roustein Avenue
UNIT # 6-7 North Bergen,
New Jersey 07047

Phone: (201) 453-1220 (201) 430-8041

Fax: (201) 453-1223

Email: kjr@kjrsons.com

Web: www.kjrsons.com

KJR & SONS Inc. is a wholesale distributor of brand name health & beauty aids and general merchandise KJR & SONS serves wholesalers, grocery & c-stores, pharmacies and jobbers.

KJR has been in business since 2005, providing quick, reliable service for the past 6 years.

Яхши ният — ярим давлат. Халқимиз минг йилларки ушбу пурҳикмат мақолга амал қилиб келади. Ўзбек доимо бир-бирига эзгулик соғинади, ҳатто душманига ҳам яхшиликни раво кўради. Ўзбекнинг дуосида, гап-сўзида яхши ният, ҳатто койишида ҳам эзгу ният лиммо-лим бўлади. Ўзбек «барака топгур», «оғзинг мойдан чиқмагур», «эсон бўлгур» деб койийди. Ўтганларни эсларкан, «худо раҳмат қилгур», «гўрда ором олгур» дея яхши ният қилади.

Ўзбек ҳар бир амалдан яхшилик қидиради. Гарчи ўзига ёмонлик етса-да, ўша ёмонлик ортидан келган озгина эзгулик билан-да овунади. У яхши ният билан меҳнат қилади. Болаларим униб-ўссин, яхши таълим олсин, ҳаётда ўз ўрнини топсин, дейди. У нафақат ўз яқинларига, ўзгаларга ҳам, ҳаттоки ҳайвоноту ўсимликларга ҳам меҳр билан эзгу ният улашади.

Бир замонлар машҳур олим отасидан эрта етим қоларкан. Отаси ўлгандан сўнг ўз шаҳрида туролмай, ўзга юртга бориб, мадрасада талаби илм билан шуғулланибди.

Кўп қийинчиликлар билан ўқишни тамомлаб, яна ўз шаҳрига қайтибди. От-уловсиз пиёда юриб, бир неча кун деганда бир тоққа келибди. Бу жойда бир мўйсафид чўпон билан учрашибди.

Толиб чўпонни дарров танибди. Чўпон ўзини кўтариб катта қилган, отасининг қўйбоқари экан. Чол ҳам толибни таниб: «Тушимми,

ўнгимми?» деб кўришибди. Дарров белбоғидан иккита нон чиқариб, уни сут билан меҳмон қилибди.

Толиб чўпондан:

— Бу қўйлар кимники? — деб сўрабди. Чол:

— Болам, бу қўйларнинг ҳаммаси сизники, сиз у ёқдалигингизда отангиздан қолган моллар ҳар кимнинг қўлида қолиб эди. Отангиз ҳаёт вақтида яхши ният билан 200 қўйни сизга атаб менга топширган эди. Бу қўйлар болалаб, ҳозир 700 дан ошди. Отангизнинг васиятини ўз ўрнига қўйганим учун хурсандман, бу қўйларни энди сизга топшираман, — дебди.

Толиб бир кеча чўпоннинг уйида меҳмон бўлибди. Эртаси қўйлардан икки юзини ажратиб чолга берибди: — Ота, дадамнинг яхши ниятларини ерда қолдирмай, омонатини менга етказганингиз учун ташаккур. Сиз ҳам бола-чақали одамсиз, мана бу қўйларни хизмат ҳақингиз учун олинг!

Чўпон толибдан жуда хурсанд бўлибди. Шундан сўнг, толиб қолган беш юз қўйни ҳайдаб бозорга олиб кетибди. Бу қўйлар жуда семиз бўлгани учун атрофини харидорлар ўраб олибдилар. Одамлар толибдан: — Қўйингиз неча пул?

— деб сўраганларида, толиб: — Мен қўйимни яхши ният билан насиёга сотаман. Шу шарт биланки, пулини подшо ўлган куни берасизлар. Шу шартимга кўнган киши биттадан етаклаб олиб кетаверсин! — дебди.

Бозордаги одамлар дарров талашиб, қўйларни биттадан етаклаб олиб кетибдилар. Шу куни подшонинг амалдорлари унга бу хабарни етказибдилар.

— Боринглар, ўша қаландарни менинг хузурига ҳозир қилинлар, — деб буюрибди. Амалдорлар дарров бозорга бориб толибнинг қўлини орқасига боғлаб, подшонинг қошига олиб келибдилар, подшо қараса, ёшлигида бирга ўқиган дўсти экан. Подшо унга:

— Нима учун шунча қўйни халққа бериб юбордингиз, менинг ўлимимга шунақа розимисиз? — дебди. Шунда толиб:

— Эй подшоҳим, мен чакки иш қилганим йўқ. Сизнинг подшо бўлганингизни эшитиб, яхши ният билан қўйларни талатиб юбордим. Шундай ҳам бериб юборишим мумкин эди. Бироқ баъзи бир одамлар текин молдан ҳазар қилишади. Шунинг учун қўйнинг пулини подшо ўлган куни берасизлар деб айтдим. Энди қўйларни олиб кетган одамлар: «Ишқилиб подшоҳимиз ўлмасин. Подшо ўлса қўйнинг эгаси пулини қистайди», деб сизни дуо қилиб юришади, — дебди.

Толибнинг бу донолигига подшонинг завқи келиб уни ўзига вазир этиб олибди. Толиб эса вақти келиб, буюк олим бўлиб етишибди.

Яхши ният қилиб муродига етганлар ҳақида халқимизда

ЯХШИ НИЯТ



— Эй, подшоҳи олам, нима дейсиз, бугун бозорга бир қаландарсифат йигит келиб беш юз қўйни халққа яхши ният билан деб, насиёга тарқатиб юборди. Пулини подшо ўлган куни берасизлар, деб сизга ўлим тилади. Подшоҳим, сизнинг ўлимингиз билан ҳам яхши ният қилинадими? — дебдилар. Шунда подшо ғазабланиб:

ЎЗБЕКНИНГ ФЕЪЛИ

минглаб ривоятлар юради. Зеро, ёмон ният билан ҳеч ким мақсадга етган эмас.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда келишича, «Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Ўз Роббиларидан ривоят қилиб айтдиларки: «Албатта, Аллоҳ яхшиликлар ва ёмонликларни ёзиб қўйди. Сўнгра ўшани баён қилди. Ким бир яхшиликни қасд (ният) этсаю, унга амал қилмаса, Аллоҳ уни Ўз хузурида баркамол бир яхшилик қилиб ёзиб қўяди. Агар уни қасд қилиб, амал ҳам қилса, Аллоҳ азда ва жалла уни Ўз хузурида ўнтадан етти юз яхшиликкача, ундан ҳам бир неча марта кўп қилиб ёзади. Агар бир ёмонликни қасд этсаю унга амал қилмаса, Аллоҳ уни Ўз хузурида бир яхшилик қилиб ёзади. Агар у (ёмонлик) ни қасд қилиб, амал ҳам қилса, Аллоҳ уни бир ёмонлик қилиб ёзади», дедилар». (Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий ривоят қилган.)

Ҳар бир қилган эзгу ниятимиз учун Парвардигоримиз биттадан савоб ёзаркан, агар уни амалга оширсак, 10 тадан 700 тагача савоб оларканмиз. Шундай экан, яхши ният қилишда ва уни амалга оширишда бардавом бўлайлик.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ,
davronbek@vatandosh.com

Муаллиф олган сурат.

МУШОИРА

Шухрат ТОИРОВ 1953 йилда, Тошкентда ишчилар оиласида туғилган. Шоирнинг «Мен куйламай, ким куйласин» (2003), «Дунё» (2004), «Эркам ўзингсан» (2006), «Энг улук бойлик» (2009) шеърӣ тўпламлари Тошкентда чоп этилган.

ЎЗБЕКИСТОН

Кимлар келиб, кимлар кетди бу тупроққа,
Барчасидан унинг меҳри бил, кўпроқ-да
Мадҳи бордир шивирлаган ҳар япроқда,
Фаришталар юрти эрур Ўзбекистон.

Она замин бағрин суйиб онам дерман,
Қучоғингда қолгай манғу танам дерман.
Юртлар ичра танҳо сулуғ санам дерман,
Фаришталар юрти эрур Ўзбекистон.

Жаҳонни ҳам забт этгансан илму фанда,
Зафарларинг асло-асло бўлмас канда.
Армоним ёқ, яйрагайман хур Ватанда
Фаришталар юрти эрур Ўзбекистон.

Яхшининг қилмиши ибрат бўладир,
Ёмоннинг топгани гурбат бўладир,
Камтарга камолдир дунёи дунда
Хоксорлик аслида қудрат бўладир...

Кошоналар қураимиз ҳайҳот!
Кимлардандир қутамиз нажот.
Қолиб кетар бари омонат
Дам ғанимат, Одам ғанимат...

Зулфия ШАРИПОВА тайёрлади.



Муаззам ИБРОҲИМОВА

Ватан надир?!

Шоҳимардон тоғларига чиқиб қара,
Увайсийнинг аноридек юрагимдан сизиб қара,
Бобур Мирзом армонида қолиб кетган Андижоним,
Боғишамол этагига Тож маҳални чизиб қара!

Ватан надир,

Ватан, онам кучоғида топган меҳригим ўзинг,
Ватан отам нигоҳидан таниган илк дунём ўзинг,
Ўзинг ойи офтобимсан, нурум ўзинг, зиё ўзинг,
Юрт мадҳига мадҳиянг бу, юрагингдан сезиб қара!

Ватан надир?

Ватан осмон Улугбегим кўзларида,
Ватан мунглиғ ғамгаусорим Ал-Беруний изларида,
Агар бир байт бўла олсанг Алишерим сўзларида,
Музаффардил зотларини кўзмунчоқдек тизиб қара!

Ватан надир?!

Болдан ширин, тутиб турса меваларин,
Дарахтлари елкасида эркаласа болаларинг,
Ҳосилини кўтаролмай синса беҳи, олмаларинг,
Боғларидан биттагина анжирини узиб қара!

Ватан надир?!

Сувлар ичсанг, кафтдан сизар томчи жоним,
Кулча тутса кафтларида, куёш кулар болажоним,
Қалдирғочдек қошларига фидо бўлса битта жоним,
Эркагина синилчамнинг ўсмасидан эзиб қара!

Ватан надир?!

Шабнамлардан қизғонаман далаларин,
Узгим келмас юрагимдан унган эрка лолаларин,
Узгинг келмас юрагингдан унган эрка нолаларин,
ВАТАН НАДИР?!

Turkish Food
SULTAN
Gyro & Grill
2556 Coney Island Avenue
Brooklyn, NY 11223
(Blwn Ave. U & W)
(718) 998-2424
FREE Delivery

СИЗ СОҒИНГАН АСАРЛАР

(Давоми. Боши олдинги сонларда.)

БАХТЛИ ВА БАХТСИЗ

Бахтли одам худбин бўлади: бахтсизларга ачинмайди. Бахтсиз одам ҳам худбин бўлади: бахтлиларга ғайирлиги келади.

ДАЪВО

Донолик билан нодонлик шу қадар яқинки, одам доноликни қанча кўп даъво қилса, шунча нодон бўлади!



«ДАҲО» ЭКАНСИЗ!

«Аёл қавмини ипидан игнасигача биламан», дейсизми? О-о-о, сиз даҳо экансиз!

Айтинчи, шарқдан секундига беш-етти метр тезликда эсаётган шамол ўн дақиқадан кейин шимолга буриладими, жанубгами? Ярим соатдан кейин изғиринга айланадими, бўронгами?..

БЕЛГИ

Мақтанчоқлик қариликнинг биринчи белгисидир.

ХУДОНИНГ ҚУДРАТИ

Тангри шунақанги қудратлики, хоҳласа, гулшаннинг қоқ ўртасида сассиқ алаф ўстиради. Хоҳласа, ботқоқнинг қоқ ўртасида нилуфарни гуллатиб қўяди...



ЛАЙЛАК

Она ёш эди. Она навжувон эди. Бола ғўр эди, бола ғўдак эди... Кунларнинг бирида она-бола қишлоққа — узоқ қариндошлариникига борадиган бўлишди. Она қаддини ғўз тутиб, тез-тез юриб борар, бола эса аланг-жалаң қилиб атрофдаги манзараларни томоша қилар эди. Қишлоқ гузарида ярмини яшин учириб кетган баҳайбат чинор бор экан. Бола дарахтни кўриб анграйиб қолди: чинорнинг тарвақайлаб

ўсган шохида супрадек каттакон уя қорайиб кўринар, уяда эса оёғи, тумшуғи узун бир куш турар эди.

Бола мўъжиза кўргандек таққа тўхтаб қолди.



— Анави нима, ойи? — деди ўша томондан кўз узмай.

— Лайлак, ўғлим, лайлак! — она ўғлининг бошини силаб қўйди. — Юра қол, жоним.

Бола ҳеч қачон бунақа кушни кўрмаган эди. Куш негадир бир оёқлаб турарди. У яна тўхтаб қолди.

— Нима у, ойи? — деди тагин чинор учига кўз тикиб.

— Лайлак, ўғлим, лайлак.

— Нимага бир оёқда турибди?

Она кулди:

— Бир оёғи чарчагандир. Юра қол, жоним. Оёғи узун куш негадир бўйинини чўзиб, тумшуғини осмонга қаратиб силкитар, шунда «тарак-тарак» деган овоз эшитиларди.

Бола тагин тўхтаб қолди.

— Нима ўзи у, ойи?

Унинг кўзларида кувонч бор эди. Ҳайрат бор эди. Она шошиб турарди. Мингта юмуши бор. Ҳали шаҳарга қайтиши керак.

— Лайлак дедим-ку, жинивой, — деб охиаста эгилиб, ўғлининг юзидан ўпди. — Сенга салом бераяпти-да.

Она ёш эди. Она навжувон эди.

...Орадан ўттиз йил ўтди. Бола йигит бўлди. Она кексайиб қолди. Оёғидан мадор, кўзидан нур кетди.

Кунлардан бирида она-бола иттифоқо яна ўша қишлоққа бориб қолдилар. Йигит қаддини ғўз тутиб тез-тез юриб борар, она эса толиққан



оёқларини, оғир-оғир кўтариб босганча ҳарсиллаб келарди. Гузардаги ярмини яшин учириб кетган чинор ҳали ҳам бор экан. Буни қарангки, чинорнинг тарвақайлаб ўсган

шохида ҳамон супрадек каттакон уя қорайиб кўринар, уяда эса оёғи, тумшуғи узун лайлак турарди. Йигит лайлакка бир қараб қўйди-ю қадамини тезлатди.

Орқада келаётган она нурсизланиб қолган кўзларини чинорга, чинор шохида қорайиб турган уяга тикди. Шохда осилиб турган нарса кўзига ғалати кўринди.

— Анави нима, ўғлим? — деди тўхтаб.

— Лайлак, ойи, лайлак!

Она яхши эшитмади. Уч-тўрт қадам юриб яна тўхтаб қолди. Саватдек нарса ичида бир нима оқариб кўриняпти. Тавба...

— Нима, ўғлим? — деди кўзларини пирпиратиб.

Ўғил таққа тўхтади. Ғаши келди. Ўзи шошиб турибди: мингта иши бор! Одам қариганидан кейин эзма бўлиб қоларкан-да!


— Лайлак! — деди жеркиб.

— Лайлак деяпман-ку, кармисиз!

Шундай деди-ю, жаҳл би-

ЎТКИР ҲОШИМОВ

Дафтар хошиясигадаги Битиклар



УМР

Т а н и ш д и л а р...

Севишдилар...

Т у р м у ш к у р д и л а р...

Ф а р з а н д к ў р д и л а р...

Тўнғичи нимжонроқ эди. Касал бўлиб, кўп куйдирди...

Ўртанчаси ўйинқароқ эди...

Қамалиб чиқди...

Кенжаси қиз эди... Эрқароқ ўсди. Турмуши бузилди...

Бир кун эркак кечаси уйғониб кетди. Узоқ ўй ўйлаб ётди. Қараса, аёли ҳам уйғоқ экан.

— Онаси, — деди. — Дунёга келиб нима кўрдик ўзи?

— Билмасам, — деди аёли хўрсиниб...

ТАРИХ «ХАТОСИ»

Тўққизинчи аср. Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди.

Ўнинчи аср. Абу Наср Форобий Аристотелнинг «Метафизика» асарига энг мукаммал шарҳ ёзиб, «иккинчи устоз» унвонини олди.

Ўн биринчи аср. Абу Райҳон Беруний Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчади.



Ибн Сино медицина Қомуси — «Тиб қонунлари»ни яратди.

Ўн тўртинчи аср. Соҳибқирон Амир Темур Евроосиёнинг ярмини тасарруфга олди. Аҳли илм бошини силаб, ўлмас обидалар яратди.

Ўн бешинчи аср. Улуғбек 1019 юлдузнинг ҳаракат жадвалини тузди. Алишер Навоий ўлмас «Хамса»сини ёзди.

Ўн олтинчи аср. «Бобурнома» оламга тарқалди.

Ўн еттинчи аср. Шохжаҳон дунёдаги етти мўъжизанинг бири — «Тоғмаҳал»ни бунёд этди.



Йигирманчи аср. Ўзбексовет олимлари мисли кўрилмаган «ихтиро» қилдилар: тарих «хато»сини тузатиб, ўтмишда биз ёппасига «саводсиз» бўлганимизни исботлаб бердилар...

тўқади. Ожиз эса ғазоби билан бирга ўзгалардан кўрган ситамини ҳам қўшиб сочади...

ТОВУҚ

Жўжаси чийиллаб, безор қилмаслиги учун тухумини инкубаторга топширди. Энди бошқа Хўроз билан дон олиши-и-иб юрипти...



ОҚ ВА ҚОРА

(Хуқуқшунос укамга тиллагим)

Қора қоғоз ҳарчанд ювган билан оқ бўлмайди. Оқ қоғозни қора қилиш учун бир чизик тортиш кифоя. Қорани оқлаш эмас, Оқни қораламаслик адолатдир!

АҚЛ ВА ТУЙҒУ

Эркак — ақлга, аёл — туйғуга мойил, дейдилар.

Ақли туйғусига бўйсунган эркак — нодон. Туйғуси ақлига бўйсунган аёл донодир...

ДИЛ ВА ТИЛ

Дили билан тили муттасил бир кўчадан юрадиган одамга осон тутманг...



УЯТ

Бандасидан уялмаган одамнинг Худодан кўрқушига ишониш қийин.

ЭВОЛЮЦИЯ

Ота-боболаримиз бундан юз минг йил аввал бир-бирини тошболта билан ўлдирган. Биз бир-биримизни ядро қуроли билан қириб ташлаш йўлини ўйлаб топдик.

«Ўсиш» бўлса, шунчалик бўлади-да!

ТАСКИН

Ҳамкасблари юз ўғирган одам таскин топиши мумкин.

Дўстлари юз ўғирган одам таскин топиши мумкин.

Умр йўлдоши юз ўғирган одам таскин топиши мумкин.

Фарзандлари юз ўғирган одам... Билмадимов...

(Давоми келгуси сонда).

КУЧСИЗНИКИ — КУЧЛИ

Кучли одамнинг ғазабидан кўрқманг. Ожизниқидан кўрқинг! Кучли тўкса, ўз ғазабини

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Сурия уламоларидан Абдулфаттоҳ Абуғудданнинг “Ула-молар сабридан лавҳалар” китоби аввалида Амр ибн Аълодан ушбу воқеа ҳикоя қилинади:

“Ёши юздан ўтган, дунё лаззатларидан маза қилмайдиган даражада заиф бир инсонни зиёрат қилиб, ундан сўрадик:

— Ўлишни хоҳлайсизми?

— Йўқ, — деди у киши.

— Дунёдаги лаззатларнинг бари битиб, тугаган бўлса, сизга ўлим афзалроқмасми? Яна қандай лаззат қолди?

— Яхшиларнинг сўзларини эшитиб маза қилавераман.”

Ҳурматли ватандош. Ушбу сондан бошлаб, «Ҳидоят гулшани» деб аталмиш рукн остида сизга ана шундай гўзал сўзларни тақдим этмакни ният қилдик.

БИСМИЛЛАҲ ҲАҚИДА

Тақий Усманий “Зикр ва фикр” китоби муқаддимасида “Бисмиллаҳ” шарҳи ҳақида шундай дейдилар:

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

“Аллоҳнинг номи билан бошланмаган иш чаладир”

Яна Расулulloҳ (с.а.в.) шундай дейдилар:

“Киши кўчадан уйига келар экан, шайтон у билан эшиги олдиғача бирга келади. Аммо киши уйга қадам қўйишдан аввал “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” (яна бир ривоятда “Бисмиллаҳи хорожна, ва ʼалаллоҳи роббина таваккална”) деса шайтоннинг бу ерда насибаси қолмай, кетиб қолади. Овқатланишда ҳам “Бисмиллаҳ” билан бошланса, шайтон овқатга шерик бўлмайди.”

СУВ ҲАҚИДА ТАФАККУР

Тақий Усманий айтадилар: “Бисмиллоҳ” расмий нарса эмас, заруратдир. Буни икки мисол билан сизга исботлаб берай.

Сизга бир сув келтирилса, оний вақтда уни томоғингиздан ўтказиб роҳат қиласиз. Тафаккур қилиб кўринг, у сувни вужудингизга ким келтирди? Қандай қилиб?

Аллоҳ таоло банданинг ҳожатларига ярайдиган, унинг тирикчилигига сабаб бўладиган сувни денгиз, уммонлар шаклида тўплаб беради. Сув бир жойда туриб айниб қолмаслиги учун Парвардигоримиз уни тузлар билан тўлдиради. Уммон ичида ўлиб кетган жониворлар сувни айнитиши мумкин эди, лекин Холиқимиз унинг мавжлангириб тургани учун сув ачимайди.

Худованд: “Бўлди, мен сувни яратиб қўйдим, энди ундан ўзинг фойдаланиб ол”, демади, балки булутни уммон тепасига келтириб, ундаги чучук сувларни ўзига сўриб олиб, шамол билан бандалари устига олиб келиб, сув қилиб

ёғдирди.

Аллоҳ таоло кўринишида тоғларга ҳусн бўлиб турган қору музликларни бизлар учун ўша ерда жамлаб қўйди. Худованд: “Бўлди, ана тоғларга сувни жамлаб қўйдим, энди уни ўзинг бориб, парчалаб, уйга олиб келиб, эритиб ишлатавер” демади, балки ўзи Қуёшни унинг устига олиб келиб, тагидан эритиб, ариқлар, сойлар қилиб, хонадонингиз олдига оқизиб қўйди. Ўша тоғдаги қорларни Аллоҳ таоло сизга яқин бўлган

далаларга ёғдириб, жамласа бўларди, лекин бундаям сизнинг фойдангиз бор: агар далада бўлганда унга турли жониворлар тегиб, ифлос қиларди, тоғда эса унга чанг ҳам, ғубор ҳам тегмай, тоза бўлиб туради.

Баъзида Аллоҳ таоло ер остида ҳам филтрлаб сувларни ҳозир қилади, хоҳлаган жойингизни кавласангиз, унга етишасиз. Сиз сув учун нима хизмат қилдингиз?

Энди, Аллоҳ таолонинг шунча хизмати билан олдингизга келган сувни ичаркансиз, қандай қилиб, унинг номини айтмайсиз?

Сув ичингизга кирди. Энди унинг вужудингиздаги хизматлари ақлни лол қолдиради. Аллоҳ таоло “Сувдан ҳамма нарсани тирик қилдим” дейди. Танангизнинг энг кичик парчаси ҳам сув билан тирик. Банда асли баданининг қайси қисмига қанча сув кераклигини билмайди. Аллоҳ таоло мана шу эҳтиёжни ҳис қилиш учун чанқоқлик деган неъматни берди. Нега шукр қилмайсиз?”

ҲАҚИҚИЙ ТОЛИБ

Андалус олимларидан, буюк муҳаддис Бақий ибн Михлат Имом Аҳмад ибн

Ҳанбалдан ҳадис эшитиш мақсадида машриққа пиёда келган экан. Бағдодга яқинлашганида Имом Аҳмадни мўътазила эътиқодига қарши чиққани учун халифа Маъмун уй қамоғига ҳукм қилганини эшитиб, қаттиқ ғамга ботди.

Шу куни шаҳардаги масжидга борди. У ердаги илм ҳалқасида ўтириб, устоз Яҳё ибн Маъин (катта муҳаддис, Имом Бухорийнинг устозларидан)дан Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳолатини сўраб, у зотнинг уйларида борибди. Биров кўриб қолишдан хавотирда ичкарида гаплашибдилар. Аҳмад ибн Ҳанбал сўрабдилар:

— Қаердан келдингиз? Узокданми? Африқияданми?

— Йўқ, ундан ҳам узокдан, Андалусдан кел-

имом шогирдлари билан мен ётган қарвонсаройга келдилар. Шу даражада олимлар кўп эдики, ҳатто одам сиғмади. Дуо қилиб кетдилар. Шундан сўнг, ҳамма мени ҳурмат қиладиган, зиёратимга келадиган бўлди.”

ЯШИРИН САВДО

Аббосийлар халифаларидан Ҳорун ар-Рашид аёли Зубайда билан тунги сайрга дарё қирғоғига чиқишибди. Дарё бўйида Баҳлул деган авлиёуллоҳ кумдан уй ясаётганини кўрган халифа ундан сўрабди:

— Аё, Баҳлул нима қиляпсиз?

— Кумдан уй қуряпман.

— Уни нима қиласиз?

— Ким сотиб олса, уни дуо қиламан, Аллоҳ таоло унга жаннатдан бир қаср беради.

Ҳорун ар-Рашид Баҳлул Дононинг гапига кулимсираб, ўтиб кетаверибди. Халифанинг орқасидан етиб келган хотини

Зубайда ҳам Баҳлулдан нима қилаётганини сўрабди.

— Уй қуряпман, бекам. Ким сотиб олса, уни дуо қиламан, Аллоҳ таоло унга жаннатдан бир қаср беради.

— Қўрган уйингизнинг нархи неча пул?

— 1 динар.

Зубайда 1 динарни унга бериб, дуо олибди.

Кечқурун халифа тушида жаннатда юрганмиш. Қараса, қизил ёқутдан қилинган қаср тепасига Зубайда деб ёзиб қўйилибди. Хотинининг қасри экан, кириб кўрай-чи, деб борса, посбон киритмабди ва:

— Бу ерга кимнинг исми ёзилса, ўша киради, — деб, кўкрагидан итариб юборган жойида халифа уйғонибди.

“Кеча хотиним ҳақида Баҳлулнинг дуоси қабул бўлибди. Мен ҳам дуо олиб келай”, деб яна кечқурун халифа дарё бўйига келибди. Баҳлул ҳамон уй қураётган экан, ундан сўрабди:

— Уйингизни қанчага сотасиз?

— Уйимнинг нархи бутун ер узининг подшолиги.

— Бутун дунёнинг подшолигига ҳатто мен ҳам эгамасман, нега бугун қиммат қилиб юбордингиз?

ҲИДОЯТ

— Кеча кўрмаган савдо эди, бугун кўрган савдо.

БАДАВИЙНИНГ ҚИММАТИ

Қаҳатчилик бўлиб, ҳамма жойда сув қуриб кетган пайтда бир бадавий қишлоғидаги айниб, ранги ҳам ўзгариб кетган ҳовуздаги сувдан олиб, Бағдод халифасига совға қилиб олиб боргани йўлга тушибди. Сарой дарбонларига халифага буюк совға олиб келаётганини айтиб, рухсат сўрабди. Ичкарига кириб, подшоҳ билан суҳбатлашар экан, халифа сўрабди:

— Менга нима совға олиб келдинг?

— Жаннатнинг сувини олиб келдим. (Бадавий сувнинг ўз қишлоғидаги ҳовуздагина борлигига ишонарди.)

Халифа бадавийнинг ўз қишлоғидан бошқа ерларни кўрмагани учун, шу сувни жаннат суви деб ўйларкан-да деб фикр қилиб, хазинабонга сув олиб келган хумини олтинлар билан тўлдириб беришини айтибди ва:

— Кетишида уни Дажла дарёси бўйидан олиб ўтинг, — дебди.

АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИ

Ҳадиси шарифда келадики, Аллоҳ таоло мўмин банданинг ҳисобини қиёмат кунини яшириб қилади. Банда Яратган ҳузурига келаркан, Аллоҳ унинг гуноҳларини жадвалма-жадвал кўрсатиб, шу гуноҳларни қилган эдинг-а, деб ҳисоб сўрайди. Шунда банда ўзининг дўзахга маҳкум бўлганини, ҳар томондан жаҳаннам олови қуршаганини ҳис қилади. Шунда Аллоҳ таоло: “Эй бандам, дунёда шунча гуноҳингни яширган эдим, иймонинг хурматидан бу ерда ҳам яшириб, номаи аъмоилингни ҳасаналарга тўлдириб, сени жаннатга киритаман” дейди. Аллоҳ таоло айтади: “Мен шундай зотманки, уларнинг гуноҳларини яхшиликка алмаштираман”.

Парвардигоримиз қиёмат кунини ҳам мўмин бандани қилган гуноҳлари учун шарманда қилмас экан...

Таҳонавий айтадилар:

“Эй дўстим, сен шундай Худони ташлаб қаерга кетяпсан?”

Ёрқинжон қори маърузалари асосида АбдулАзиз тайёрлади.



ҲУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ

Савол: Фарзандим АҚШда туғилган. У АҚШ фуқароси. Мен ва турмуш ўртоғим Ўзбекистон фуқароси бўлганлигимиз учун қизим ҳам Ўзбекистон фуқаролигини олиб, икки давлат (ҳам АҚШ, ҳам Ўзбекистон) фуқароси бўлиши мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Демак, Ўзбекистон Республикасида икки фуқароликка йўл қўйилмайди.

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига кўра, туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёхуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон



Республикаси фуқароси ҳисобланади. АҚШ давлати икки фуқароликка рухсат берса ҳам, Ўзбекистон қонунчилигига кўра фақат бир фуқароликка эга

ФАРЗАНДИМ ИККИ ДАВЛАТ

ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШИ МУМКИНМИ?

бўлиш мумкин ва фарзандингиз қаерда туғилишидан қатъи назар, ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганлиги учун, тўғридан тўғри Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Фарзандингизга Ўзбекистон Республикасининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳно-

масини олиш учун АҚШдаги Ўзбекистон элчихонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат қилишингиз лозим. Бунда ариза ва бошқа ҳужжатлар билан биргаликда фарзандингизнинг АҚШда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси асл нусхасини топширишингиз керак. Бу ҳужжат қайтариб берилмайди. Айти пайтда, АҚШ қонунчилигига кўра, фарзандингиздан унинг АҚШ фуқаролигини тортиб ололмайсиз. АҚШ фуқаролигидан воз кечиш қарорини, агар истаса, фарзандингизнинг ўзи вояга етгандан сўнг бериши мумкин. Демак, Ўзбекистон Республи-

www.clickminimus.com
graphic design services...

posters | logos | invitations | cover art
business cards | brochures | advertisements
Custom Design for Promotional Products & Corporate Gifts

Amerikada o'zbek to'qlarida xizmat qilamiz:
Video tasvirga olish va montaj
Fotosuratga olish Tel: 202-716-3683
E-mail: photovideo@uzland.biz
Web: http://www.uzland.biz
UzLand Productions



AQSH VA WASHINGTON SHTATINING
A'LO SIFATLI GO'SHT VA OZIQ-OVQAT
MAHSULOTLARI



Manzilimiz: 10372 Fairfax Blvd,
Fairfax VA 22030
Telefonimiz: 703.591 29 00
Fax: 703.591 29 59
Web: www.amitymeat.com
E-mail: contact@amitymeat.com

ATLANTIC EXPORT
LOGISTICS SOLUTIONS

Regional Agent: Javlon
Phone: 267-575-0000,
Email: javlonpa@atlanticexportinc.com
<http://www.atlantic.uz>
www.atlanticexportinc.com

Spring 2011

KASHKAR
cafe

Ўзбек таомлари • МАҲТАБ • ШАШЕЛЫК • САМСА

1141 Brighton Beach Ave, (between Brighton 14th st. and Brighton 15th st.) Brooklyn NY 11235 USA.
Phone: 1 718-743-3832
www.kashkarcafe.com Email: info@kashkarcafe.com

каси қонунчилигига кўра, фарзандингизнинг АҚШ фуқаролиги тан олинмайди. АҚШ қонунчилигига кўра эса, фарзандингиз АҚШ фуқаросидир ва у бир пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларидан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш тартиби ҳақида газетамизнинг олдинги сонларида батафсил маълумот берганмиз. Қўшимча маълумот учун АҚШдаги консуллик муассасасига боғланишингиз мумкин. Туғилганлик гувоҳномасини олиш учун давлат божи ундирилмайди.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига кўра, ота-онанинг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон

Республикасининг фуқароси бўлган бўлса ва бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат қилаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онасининг ёзма тарзда ифодаланган келишуви асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига оид масалаларга доир аризалардан давлат божи ундирилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан имзоланган “Давлат божи ставкалари”нинг 7-банди а-қисмига биноан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ҳақидаги аризадан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан давлат божи ундирилади.

Дилором АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.

АҚШДА ҚАЧОН ПЕНСИЯГА ЧИҚИШ МУМКИН?

Бу савол билан тахририятимизга мурожаат қилувчилар анчагина. Негаки бу масала инсон ҳаётидаги муҳим бўғинлардан биридир. Давлат томонидан тақдир этиладиган ижтимоий имтиёз (пенсия) ҳажми ҳам сизнинг нафақага чиқиш тўғрисидаги қарорингизга қараб ташкил топади. Масалан, сиз пенсия ёшига етиб, пенсияни тўла ҳажмда олишингиз ёки бу муддатдан сал олдин пенсия чиқиб, қисман имтиёзга эга бўлишингиз мумкин. Бундан ташқари, сиз пенсия ёшига етишингизга қарамай ишлашни давом эттиришингиз ҳам мумкин. Бу ҳолатда ҳам сизнинг танлаш имкониятларингиз бўлади. Хусусан, ишлашга ва айни вақтда пенсия имтиёзларидан фойдаланишга рухсат берилади. Шунингдек, сиз 70 ёшга қадар пенсияга чиқмай туришингиз ҳам мумкин, бу ҳолатда кейин оладиган пенсиянгиз миқдори ўз-ўзидан кўпаяди.

— **Давлат имтиёзлари тўлиқ миқдорда тўланадиган пенсияга қайси ёшдан чиқиш мумкин?**

— Агар сиз 1938 йилгача туғилган бўлсангиз, 65 ёшга етганлик бўйича пенсияни тўла миқдорда олишга ҳақлисиз. Аммо 2003 йилдан бошлаб, пенсияга чиқиш ёши туғилган йилга қараб мунтазам ошиб боради, 1960 йил ёки ундан кейин туғилганлар учун пенсия 67 ёшдан кейин берилади. Масалан, агар сиз 1956 йил туғилган бўлсангиз, тегишли шкалага мувофиқ, тўла пенсия олиш муддати 66 ёшга 4 ой қилиб белгиланган.

— **Қисман пенсияни қайси муддатдан олиш мумкин?**

— Расмий пенсия ёшига етиш ёки етмасликдан қатъи назар, қисман пенсияни сиз 62 ёшдан бошлаб олишингиз мумкин. Унинг миқдори пенсия ёшига етгунга қадар ҳар ойда тўлиқ пенсиянинг 5/9 фоизини ташкил қилади. Масалан, расмий пенсияга чиқиш ёшингиз 65 бўлса-ю сиз 64 ёшдан аризага қўл қўйган бўлсангиз, умумий ҳажмдаги пенсиянинг 93 фоизини олишингиз мумкин, 62 ёшдан чиқсангиз умумий сумманинг 80 фоизига эга бўласиз. Тўла ва қисман пен-

сия ўртасидаги бу фарқ пенсия ёши ошган сайин мунтазам кўтарилиб боради. Агар ишчи 2001 йил 62 ёшида пенсияга кетган бўлса, унинг пенсияси тўла пенсия миқдоридан 21 фоиз кам бўлади. Агар у 1960 йилда туғилган бўлса ва 62 ёшидан пенсияга кетишни истаса, унинг имтиёзи 67 ёшга кириб пенсияга чиқиши билан таққослаганда 30 фоизга камайд.

— **Нафақа ёшига етиб пенсия олишининг имтиёзлари ва нуқсонлари нимадан иборат?**

— Имтиёз шундаки, агар нафақа муддатига етиб пенсия олишни бошласангиз, у яна кўпроқ муддатга чўзилади. Нуқсон шундаки, пенсия миқдори бундан ҳам кўп бўлишига нисбатан доимийга камайиб кетади. Шу туфайли ҳар бир киши олдида танлов имкониятлари бор. Энг муҳими, пенсия билан шуғулланувчи Ижтимоий таъминот маъмуриятидаги мутахассислардан маслаҳат олган маъқул.

— **Нафақа ёшига етгандан кейин пенсияга чиқиш қандай амалга оширилади?**

— Бир қатор шахслар, гарчанд нафақа ёшига етган бўлсаларда маълум бир ёшгача бу борада ҳеч кимга мурожаат қилмасдан тўлиқ ставкада ишлашда давом этадилар. Бу йўл орқали сиз ўртаарифметик маошингизни кўпайтиришингиз, ва айни бир пайтда пенсиянгиз миқдорини оширишингиз мумкин бўлади. Бундан ташқари вақтида пенсия олишни инкор этганларга туғилган йили билан боғлиқ ўзгаришлар суммаси бўйича ҳам қўшимча имтиёзлар берилади.

— **Пенсия олиб, ишни давом эттираётганлар учун нима янгиликлар бор?**

— Агар нафақа ёшига етиб ишлаётган бўлсангиз, бунинг пенсияга ҳеч қандай таъсири йўқ. Аммо бу ёшга етмасдан пенсия олишни бошласангиз, пенсия ҳажми маошингиз миқдorigа қараб камайтиради. Агар сиз Ижтимоий таъминот маъмуриятига мурожаат қилсангиз, бу борадаги арифметик рақамларни билиб олишингиз мумкин.

Алишер АЙМАТЛИ тайёрлади.



ЎЗИНИ ТИРИКЛАЙИН КЎМГАН ШОВВОЗ



остида қолиб кетди.

Ўспиринни ер остидан тириклайин тортиб олиш 60 кишининг сал кам икки соат вақтини олди. Икки метрлик чуқурдан эсон-омон тортиб олинган “гўрўғли” ўзига келгунча бир кеча касалхонада ётишига тўғри келди. Касалхонадан чиққан куниеқ йигитча тўғри ўз уйига, Австрияга жўнади.

ТАҚДИРМИ Ё ТАСОДИФ?

Узоқ йиллардан сўнг ўз яқинлари билан қайта топишган одамлар кўп. Бу ҳақда ҳатто русларнинг машҳур “Жди меня” ёки ўзбекларнинг “Меҳр кўзда” кўрсатувлари ҳам бор. Аммо гавжум бир гўшада икки ака-уканинг тасодифан бир-бирини “таниб” қолгани ҳақида эшитганмисиз?

Шундай воқеа яқинда рўй берди: Жо Паркер ҳар кун соҳил бўйида сайр қилишни ёқтиради. Ана шундай сайр кунлардан бирида гуруҳ бўлиб суратга тушаётган Рик Хил оиласи ундан суратга олишда ёрдам беришини сўрайди. Суратга олиш жараёнида Жо Рикка лўқма ташлаб, уни суҳбатга тартади. Қалайсиз, дея оддий савол беришдан бошланган суҳбат қизиб бориб, бу орада уларнинг бир шаҳарда туғилганликлари ва ҳатто бир-бирларига таниш эканликлари аён бўлади. Таниш бўлганда ҳам қандоқ таниш? Бир отанинг фарзандлари. Жо Паркер ўз укасини ана шундай ҳолатда топиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бўлса керак.

Нега шунча йиллардан бери бир-бирларини кўрмаганлари ҳақида энди улар оталарининг олдига борганда билиб олишса керак.

МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК АСАЛАРИ



Бир қути асалари бир неча миллион доллар бўлиши мумкинлиги ҳақида эшитганмисиз? Бу қандай зотдор асалари бўлиши мумкин?

Аслида бу асалариларнинг бошқа шу турдаги жониворлардан кўп ҳам фарқи йўқ. Бу асалариларни қиммат қилган нарса улар иштирок этаётган бир неча миллион долларлик илмий тажриба эди.

Хуллас, Шотландияда бир қути асаларини кимдир ўғирлаб кетибди. Бу асаларилар махсус синов жараёнида бўлиб, уларга 3.3 миллион доллар пул тикилган экан. Олимлар энди нима қилишларини билмай ҳайрон, дея хабар беради Рейтерснинг Лондондаги мухбири.

Дунди Университетининг Тиббиёт мактабида ўтказилаётган бу илмий тажрибада пестицидларнинг асалариларга қандай таъсир қилиши ўрганилаётган эди. “Бу ўғирлик ишимизнинг белига тепди”, дейди етакчи тадқиқотчилардан бири Крис Коноли.

Дилором АБДУЛЛАЕВА тайёрлади.

САНЪАТИМИЗ ДАРФАЛАРИ

Бошқа соҳаларда бўлганидай, халқимизнинг мусиқа санъати тарихида ҳам юлдузи абадийга чарақлаб турган буюк зотлар бор. Юнус Ражабий ана шундай санъаткорлардан бири эди.

Юнус Ражабий 1897 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Эски усулдаги мактабда ва мадрасада ўқиди. Мадраса толиби экан, у мумтоз шеърятимизни берилиб мутлаа қилди. Лutfий, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Нодира ғазаллари умр бўйи унинг маънавиятига, қалбига, мусиқий ижодига бой баҳралар берди.

Юнус Ражабий мусиқий истеъдодини эрта англади. Акаси Ризқи Ражабийдан танбур, дутор, най созларини чалишни болалигидаёқ ўрганди. Созандалик ва хонандаликка чуқур муҳаббати боис, Андижондан Тошкентга кўчиб келиб яшаётган Мирқосим Ҳофиз унинг кадрдон кишига айланди. Ҳофиз унинг меҳмонхонасига қатнаб, керак бўлса, шогирдлик хизматини ўтаб юриб, унинг репертуарида бор халқ кўшиқлари ва мақом ашулаларини ўрганди.

20-йиллар бошида Самарқанд билим юртида миллий мусиқа бўйича ёшларга сабоқ берди. Унинг талабалари орасида кейинчалик ўзбек маданиятининг атоқли намояндalарини бўлиб етишган шоир Ҳамид Олимжон ва бастакор Толибжон Содиқовлар бор эди. Орадан 4 йил ўтиб, Ражабий Тошкентга қайтди. Юнус Ражабий халқимизнинг мусиқа бойлигини, “Шашмақом” йўлларини кенг тарғиб қилишга қаратилган улкан мақсадни ўз олдига қўйди. Шу мақсадда 1927 йилда Ўзбекистон радиоси хузурида ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамблини тузди. 13 кишидан иборат бу ижодий гуруҳ кейинчалик 40, ундан кейин 90 нафар созанда ва хонандани ўзида бирлаштирган оркестрга айланди.

Юнус Ражабий 30-йил-

ларда радио хузурида хотинқизлардан иборат илк дуторчилар ансамблини ташкил этди. Дуторда чертиладиган халқ куйлари ва дутор жўрлигида айтиладиган халқ ашулалари ва кўшиқларини йиғиб, ансамблга ўргатди. Кейинчалик бу ансамбль аъналарини Ғанижон Тошматов раҳбарлигидаги дуторчи қизлар ансамбли давом эттирди ва ривожлантирди.

Халқ мусиқа мероси-

ри бор. 60 йилдан зиёдроқ мусиқий ижодий фаолияти мобайнида 200 дан кўпроқ ашулалар, кўшиқлар, хор ва марш асарларини яратди. Юнус Ражабий яратган “Кошки”, “Не наво соз айлағай”, “Қадаҳ”, “Жонимдадур”, “Гулбоғлар”, “Мактуб”, “Ҳажрингда”, “Мунча ҳам”, “Куйгай” ва бошқа ўнлаб ашулалар, кўшиқлар мусиқа санъатимизнинг дурдоналаридир. Шунингдек, унинг халқ орасида кенг тарқалган бирталай ашулалари аввал мусиқали сахна асарлари учун ариялар тарзида яра-

Бухоро ва Самарқанд ижрочилари репертуаридаги тожикча матнлар ўрнига Юнус Ражабий ўзбек мумтоз адабиётидан, асосан, Навоийдан ғазаллар танлади ва мақом йўлларига солди. “Шашмақом”нинг 6 жилдлигига кирган асарлар Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар ансамбли ижросида грампластинкаларга ёзиб олинди.

Устоз санъаткор тўплаб, нашр эттирган халқимизнинг бой мусиқа мероси — маданиятимизнинг ўлмас обидасидир. Юнус Ражабийнинг бундай

қолдиғининг ҳосили” деб ҳукм чиқарилди. Пировардида ўзбек чолғу асбоблари товушларини Оврупо чолғу асбоблари товушларига яқинлаштириш, ўзбеклар ҳаётига “Озарбойжон торини ва Европа скрипкасини киритиш” масалалари қўйилди. Сурнай билан буламон асбобларини “қайта яшаш учун Москвага юбориш” вазифаси белгиланди.

Миллий мусиқа ривожини қийин аҳволга тушиб қолди. Вазият кескин бўлса-да, Юнус Ражабий Ўзбекистон радиоси миллий чолғу ансамблини матонат билан сақлаб қолди. Миллий мусиқа санъати асарларини радио орқали узлуксиз тарғиб этиб келди.

Бироқ ансамбль фаолияти 1953 йилда умуман тўхтатиб қўйилди. Миллий санъат тарғиботи ҳукмрон сиёсат таъбиға ўтирмади. Радиоёшиттириш фаолиятида бу анча оғир йўқотиш эди. Ниҳоят орадан бир неча йил ўтиб, бу хато тадбир эканлиги сезилди. Уни тузатиш учун яна Юнус Ражабийни чақиришди ва ансамблини қайта тиклаш топширилди.

Юнус Ражабийнинг ўзбек халқи мусиқа маданиятини ривожлантиришдаги улкан хизматлари — ижрочилик, бастакорлик ва ташкилотчилик фаолияти халқимиз томонидан ҳамшиша қадрланади. Юнус Ражабий Ўзбекистон мустақиллиги йилларида “Буюк хизматлари учун” ордени билан эъзозланди.

Ватанимизда Юнус Ражабий номи билан аталган театрлар, билим юртлари, кўчалар, ансамбллар бор. Унинг уй-музеи эл қалбига маърифат ва маънавият нурини бағишлаб турибди. Фарзандлари эса халқимизнинг таниқли, сеvimли санъаткорларига айланди: Энг муҳими, Юнус Ражабийдан қолган улкан мусиқа санъати — халқимиз руҳиятининг жавоҳирларидан бўлиб барҳаёт яшайверади.

МУХЛИС.

ХАЛҚ РУҲИЯТИ ЖАВОҲИРИ



ни тарғиб этишда Ўзбекистон телевидение ва радиоёшиттириш давлат қўмитаси (ҳозирги Ўзтелерадиокомпания) хузурида Юнус Ражабий асос солган мақомчилар ансамбли ҳам катта ишларни олиб борди. Бу ансамблда мақомдон ҳофизсанъаткорларнинг бир неча авлодлари вояга етди.

Юнус Ражабий улкан ҳофиз ҳам эди. Унинг ёқимли, салобатли, кучли овози ўз вақтида, 20-йилларда буюк ҳофизлар Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовларни ўзига ром этган. “Шашмақом”нинг айрим ашулаларини улар Юнус Ражабий билан биргаликда ижро этишган. Юнус Ражабий устозларнинг ижрочилик санъатини, ашула айтиш йўлларини беками-кўст эгаллади.

Ризқи Ражабийнинг айтишича, Юнус Ражабий 600 га яқин куй, ашула ва кўшиқларни ёддан билган. Радио чолғу ансамблига ва мақомчилар ансамблига 400 дан ортиқ куй ва кўшиқларни ўргатган.

Юнус Ражабий улғу бастакор ҳам эди. Унинг 20 дан кўпроқ мусиқали спектакла-

тилган эди. Масалан, Ҳамид Олимжон шеъри билан айтиладиган “Куйгай” кўшиғи аслида “Муқанна” мусиқали спектаклидаги Муқанна ариясидир. Бу кўшиқнинг биринчи ижроси Юнус Ражабийнинг ўзи эди.

Юнус Ражабий 1966 йилдан бошлаб “Шашмақом”нинг ҳар бирини турли вариантлари билан алоҳида жилдларда нашр эттира бошлади. Унинг охириги, олтинчи жилди 1974 йилда нашрдан чиқди. Мақомлардан

баҳодирона хизматлари унинг ўзи ҳаётлигида энг мўтабар замондошлари томонидан катта эҳтиром билан эътироф этилган эди. Ойбек уни “Ўзбек халқининг санъат отабеги” деб таърифлади.

Миртемир эса Юнус Ражабий таваллудининг 70 йиллиги кунларида матбуотда сўз айтиб, “дунёга бергусиз гавҳар тўла хазинани ўз халқига қўш қўллаб тутган” бу санъаткор чексиз халқ ардоғига сазовордир, деган эди. Атоқли шоир бу таърифлар билан чекланиб қолмай, яна шундай ёзади: “Юнусвой оғанинг меҳнати қаҳрамонона! Ҳа, чинакам қаҳрамон — меҳнаткаш Ражабий!”.

Юнус Ражабий миллий мусиқа меросимизни тиклаш ва тарғиб этиш йўлида оғир синовларга ҳам дуч келди. 1932 йилда ЎзКомпартия Марказкомининг “Маданий фронт ҳақида” номли қарори эълон қилинди. Қарорда ўзбек миллий чолғу асбоблари камситилиб, “примитившина” деб таҳқирланди ва улардан воз кечиш масаласи қўйилди. Қарорда ўзбек чолғу асбоблари устидан: “Феодализм даври мусиқа маданияти тараққиёти ва Ўрта Осиё кўчманчилиги



Ҳурматли ватандошлар!

Сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги рақамлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизга маълумки, АҚШда солиқлар масаласи жуда ҳам муҳим ва ҳар бир фуқаро даромад солиғини ўз вақтида қонунларга мувофиқ равишда тўлаши шарт.

Ватандошларимизга солиқларни тайёрлашда ёрдам бериш мақсадида Вашингтонда АҚШ қонунларига кўра даромад солиғи бўйича ўзбекистонлик мутахассислар (IRS) ишни бошлади.

Зокир Алиев.
МВА.ЕА - 703 459 82 34
E-mail: zakiraliyev@yahoo.com
АҚШ Солиқлар Бош Бошқармасининг имтиёзли лицензиясига эга солиқ мутахассиси.

Фазилат Мамурова
МРА -703 786 72 01
E-mail: fazilat84@yahoo.com
Молиявий хизматлар

"SCHOLARSHIP" КЕРАКМИ?

ТА'ЛИМ

АҚШда талаба ҳамюртларимизнинг аксарияти "scholarship", яъни грантлар асосида ўқийди. Чунки бу мамлакатда таълим олиш қиммат. Ҳам яшаш, ҳам ўқиш учун пул тўлашга кўп ўзбек оилаларининг қурби етмайди. Шунинг учун АҚШда ўқишни ният қилганлар, албатта, грант топиш пайида бўлишади.

Бу мақолада Америка ҳукуматининг Ўзбекистон фуқаролари учун эълон қилган таълим грантлари ҳақида маълумот бермоқчимиз.

Бу таълим дастурларини АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси бошқаради. Ҳужжат топшириш ва ички босқичлардаги имтиҳонлар элчихона орқали амалга оширилади. Тўлиқ маълумот учун элчихона веб-саҳифасига (<http://uzbekistan.usembassy.gov/exchanges/>) ташриф буюришингизни тасвир қиламиз.

Ўзбекистонликлар учун таълим грантлари қуйидагилар:

Ж. Виллиам Фулбрайт Таълим Гранти Дастури

Бу дастур 50 йилдан бери коллеж ва университетларда таҳсил олиш учун грантлар ажратиб келади. Бундан ташқари, ушбу дастур доирасида мустақил тадқиқотчилар АҚШда маъруза ва тадқиқотлар қилишлари учун ўртача тўрт ва 10 ойлик грантлар ҳам мавжуд. Яна, америкалик олимлар учун ҳам чет мамлакатларда дарс бериш имкони яратилган.

Фулбрайт стипендияси дастурида коллеж ва университет ўқитувчилари, шунингдек, АҚШда тўрт ойдан 10 ойгача бўлган муддатда тадқиқот олиб боришни кўзлаган профессионаллар қатнашиши мумкин.

Фулбрайт Хорижий Талаба Дастури

"Фулбрайт" Хорижий Талаба Дастури чет эл олий ўқув юртли битирувчилари, ёш мутахассислар ҳамда санъат арбобларининг АҚШда бир йил ёки ундан кўпроқ муддат давомида таҳсил олишлари ва изланишлар олиб боришларига кўмак бериш мақсадида ташкил этилган.

Ж. Виллиам Фулбрайт Чет Тили Ўқитувчилари Учун Дастур (FLTA)

"FLTA" дастури инглиз тили ўқитувчиларига ўз касб маҳоратларини

оширишга, тилни мукамал ўрганишга ва ўзларининг АҚШ ҳақидаги билимларини оширишга имкон яратади. Дастур доирасида қатнашчилар 9 ойлик бакалавр ёки магистрлик даражаси берилмайдиган курсларда иштирок этиши мумкин.

Хуберт Х. Хампри Алмашинов Дастури

Бу дастурга 1978 йилда асос солинган ва у бир йиллик ўқув курсини ўз ичига олади. Бу грант ўрта ёшдаги мутахассисларга мўлжалланган. Ушбу дастурда иштирок этишни истаганларга қуйидаги талаблар қўйилади: лидерлик қобилиятига эга эканликларини намойиш этиш; мустақил равишда таҳсил олиш учун АҚШнинг нуфузли университетларида яратилган барча имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш қобилияти борлигини исботлаш. Қатнашчиларга гувоҳнома тақдим қилинади; дастур доирасида магистрлик ёки докторлик даражаси берилмайди.

Ёш Ўқитувчилар Малакасини Ошириш Дастури (JFDP)

"JFDP" 1994 йилдан бери фаолият олиб боради. Ушбу дастур олий ўқув юртлиларида дарс берувчи ўқитувчиларга малака ошириш ва америкалик ҳамкасблар билан тажриба алмашиш учун тўлиқ бир семестр мобайнида АҚШ университетлари дарсларида иштирок этиш ва кафедра аъзоси сифатида фаолият юритиш имконини беради. Дастурда қатнашишга хоҳиш билдирганлар гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича бир семестрлик дастурда қатнашишлари мумкин.

Ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчилари учун ТЕА дастури

"ТЕА" дастури 10 йилдан ортиқроқ бўлган давр мобайнида ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчилари учун ўз малакаларини ошириш, ўқитувчилик маҳоратларини чуқурлаштириш ва АҚШ тўғрисидаги билимларини бойитиш учун имконият яратиб келмоқда.

Эдмунд Маски магистратура дастури

"Маски" дастури собиқ Совет Иттифоқи фуқароларига АҚШда магистратурада таҳсил олиш имкония-

тини яратади. Ҳар йили 250 дан зиёд "Маски"чилар турли соҳалар бўйича АҚШнинг нуфузли олийгоҳларида ўқиб келмоқда. Ўзбекистондан ҳар йили 15 дан зиёд талаба турли соҳаларда "Маски" дастури бўйича Америкада ўқиш имкониятини қўлга киритади.

Олий ўқув юртлирининг бошланғич курсларида таҳсил олаётган талабалар учун Евроосиё Алмашинов Дастури (UGRAD)

"UGRAD" 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, у собиқ Совет Иттифоқида яшовчи 1, 2, ва 3-курс талабаларини таълим грантлари билан таъминланади. UGRAD иштирокчилари АҚШнинг олий ўқув юртлиларида ва коллежларида бакалавр ёки магистрлик даражасини бермайдиган бир йиллик курсларда таҳсил олишади.

Youth Exchange Opportunity Program (Ёшлар Алмашинови Дастури)

Ёшлар Алмашинов Дастури ўзбекистонлик (15 дан 17 ёшгача бўлган) ўқувчилар учун АҚШ мактабларида бир йил мобайнида таҳсил олиш имкониятини яратади. Ўқувчилар мезбон оилаларда яшайди.

Ушбу грантларининг бошқа шу каби дастурлардан асосий фарқи шундаки, уларда Ўзбекистонликлар учун махсус ўринлар ажратилган ва бунга фақат

Ўзбекистонликлар топширади. Демак, рақобат майдони халқаро эмас, балки бир мамлакат ичидадир. Аммо бугунги кўнрақ киритиш осон бўлади, дегани эмас. Чунки Ўзбекистонда АҚШга келиб ўқишни истовчи иқтидорли ёшлар жуда кўп ва ушбу рақобатда сиз улар билан беллашингизга тўғри келади.

Булар тўлиқ грантлар ҳисобланади. Яъни, сафар қилиш ҳақи, АҚШда яшаш ва ўқиш учун кетадиган харажатлар тўла қопланади. Ҳатто бошқа вилоятдан имтиҳон ёки суҳбат учун Тошкентга келсангиз, ушбу имтиҳон ёки суҳбатдан ўтиш-ўтмаслигингиздан қатъи назар, Тошкентга келиб-кетиш ва шу вақт мобайнида Тошкентда яшаш харажатларингиз учун ҳам дастур сизга ҳақ тўлайди. Яна бир фойдали томони, ушбу дастурлар учун TOEFL ва GRE ёки GMAT имтиҳонлари ҳам элчихона томонидан ташкиллаштирилади ва имтиҳон учун ҳам ҳақни улар тўлайди.

Хуллас, ушбу ҳукумат грантлари АҚШда ўқиш учун грант қидираётган ўзбекистонлик талабалар учун ҳар томонлама қулай ва айни муддаодир. Ҳамюртларимизни, албатта, ушбу дастурларда фаол иштирок этишга даъват этамиз. Юқорида тилга олинган ҳар бир таълим дастури, уларга ҳужжат топшириш тартиби ва муддати ҳақидаги батафсил маълумотлар элчихона сайтдан ўрин олган.

Бехзод МАМАДИЕВ,
behzod@vatandosh.com

"LIVING WAY" SIZNI CHORLAYDI!



Xristofor Kolumb Mirzo Ulug'bekning yulduzlar xaritasi orqali Amerikani kashf etdi. Biz esa Amerikaga endi kelganlar uchun "Living Way"ga tashrif buyurishlarini taklif qilamiz.

"Living Way" bolalar va kattalar uchun ingliz tilini o'rganadigan bepul maktabdir. Bu maktab asosan Markaziy Osiyodan Amerikaga kelgan insonlar uchun maxsus ochilgandir.

Mashg'ulotlarni amerikalik o'qituvchilar olib borishadi. "Living Way" da olgan bilimlaringiz Sizni nafaqat Amerika hayotiga moslashtiradi, balki o'z turmush tarzingizni to'la o'zgartirishga imkoniyat yaratadi. O'zingizga va yaqinlaringizga eng to'g'ri yo'lni ko'rsatadi!

Murojaat uchun manzil: 2487 Coney Island Avenue, Brooklyn, NY 11223
Tel. 718-781-6030

Immigration Attorney
2610 E. 18th st, Suite 5. Brooklyn. NY. 11235
Phone: 718.303.8999

ИНТЕРНЕТ ЮЛДУЗЛАРИ

“Facebook”да дўстларингиз сони юздан ортиқми? “YouTube” видеосайтининг ашаддий мухлисисизми? Унда гап ким ҳақида кетаётганини аллақачон тушунган бўлсангиз керак. Бу мақола дунёнинг машҳур поп юлдузи Энрике Иглесиас билан бир саҳнада қўшиқ куйлаб уни лол этган ва ҳануз номи одамлар оғзида дув-дув гап бўлаётган бир ўзбек ўғлини ҳақида.

“Facebook” отлиқ интернет портали бўлмаганда ёхуд “YouTube” каби беминнат кўнгулчар видеоюклаш саҳифаси бу қадар оммалашмаганда, эҳтимол, бу ўзбек йигитининг овозаси олиб Россия ўрмонларидан ошиб ҳали-вери океанортига етиб келмаган бўларди. Донғи дунёга тез достон бўлган бу каби иқтидор эгаларини ҳақли равишда “Интернет юлдузлари” деб аташ мумкин. Қуйида мана шундай Интернет кашф этган юлдузлардан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Энрике Иглесиас яқинда Москвада катта концерт берди. Саҳнага чиқиб Энрикега жўр бўлиш ва у билан бирга бир саҳнада қўшиқ куйлаш залдаги минглаб ашаддий мухлис-лар орасидан ўзбекистонлик 24 ёшли Улуғбек Исмоиловга насиб этди. Бу тасодифми ёки олдиндан уюштирилган сценарий асосида қилинган ишми? Уни дунёга овоза қилган нарса Иглесиас билан бир саҳнада туриш бўлди ёки ёхуд унинг ноёб қўшиқчилик иқтидорими? Улуғбек ким ўзи? Ҳаваскор қўшиқчи ёки ёхуд профессионал санъаткор?

Шу каби саволлар кўплаб мухлис-лар ва ишқибозларни қизиқтираётган бўлиши табиий. Бу борада аниқ маълумот олиш учун Улуғбекнинг ўзи билан боғланиб, “Vatandosh” учун махсус суҳбат уюштирдик. Дебюти Иглесиасни лол қолдирган ўзбек йигити билан бошланаётган “Интернет юлдузлари” номли янги туркумимиз хайрли ва бардавом бўлади, деб умид қиламиз. Марҳамат, суҳбат билан танишинг.

— Улуғбек, қўшиқчилик касбингизми?

— Йўқ, асли ҳуқуқшунослик бўйича ўқиганман. Қўшиқ айтишни яхши кўраман.

— “YouTube”да профессионал олинган клипларингиз қўйилган. Демак, профессионал қўшиқчиликка ўтпаёсизми?

— Қўшиқ айтишни касб деб билмайман. Бу санъат. Унинг учун, албатта, ўқиш шарт эмас. Қизиқиш, маҳорат ва иқтидор бўлса, ҳар қандай одам профессионал қўшиқчи бўлиши мумкин.

— Энрике Иглесиас қўшиқларини Иглесиаснинг ўзи билан бирга саҳнада айтишингиз кутилмаган ҳол бўлди. Иглесиаснинг ашаддий мухлисисизми?

— Ҳа, ашаддий мухлисман, десам тўғри бўлади. Энрике Иглесиаснинг қўшиқларини олдиндан айтиб юрардим.

тирилмаган. Ўртоғимга билетни фан-зонадан олгин, дегандим, у танц-зонадан олибди. Концерт давомида Иглесиасга қўшилиб бир неча қўшиқларини хиргойи қилдим. Иглесиас буни сезиб, менга бир неча марта қўлини кўтариб ишора қилди. Кейин пастга тушиб, саҳнага чиқасанми, деб мени тепага таклиф қилди. Ўртоғим ва бир молдовалик қиз билан саҳнага чиқдим. Қаердансан деб, сўради. Ўзбекистонданман, дедим. Унга “Somebody’s Me” қўшиғингизни бирга айтмоқчиман, дедим. Кейин шу қўшиқни ва бошқа

Энрике билан яна гаплашдингизми?

— Қўшиқ айтиб бўлгандан кейин саҳна ортида турганимда, Энрике олдимга келиб қўли билан кўксимга урди ва “сен қўшиқларни юракдан самимий айтдинг”, деб мени қучоқлаб олди. Унинг орқасидан қаллиғи Анна Курникова ҳам келиб зўр қўшиқ айтганим билан мени табриклади. Шу ерда улар билан бирга расмга тушдик.

— Концертдан кейин Энрикенинг бошқа мухлис-лари сизга қандай муносабатда бўлишди? Ҳасад қилишмадими?

ЭНРИКЕ ИГЛЕСИАС БИЛАН БИР САҲНАДА ҚЎШИҚ АЙТГАН ЎЗБЕК ЙИГИТИ



“Somebody’s Me” қўшиғини видео ва овоз билан ёзиб, шу йил бошида “YouTube”га ҳам қўйгандим.

— Иглесиаснинг Москвадаги концертига бориш жараёни қандай кечди? Олдиндан унда иштирок этиш режангиз бормиди?

— Иглесиаснинг концертларига қатнашиш доим орзуим эди. Олдинги концертларига боролмаган эдим. Москвага келаётганини эшитиб, у ердаги ўртоғимдан билет олиб қўйишини илтимос қилдим. Онам шу концертдан бошқа муҳимроқ ишинг йўқми, деб ҳатто мени койидилар. Лекин фақат шу концертни деб барибир Москвага бордим.

— Саҳнага чиқиб боришингиз ва Иглесиас билан бирга унинг қўшиқларини айтишингиз худди олдиндан уюштирилгандек табиий чиқди. Шундай бўлганми?

— Йўқ, бу олдиндан уюш-

қўшиқларини бирга куйладик.

— Ҳаяжонландингизми?

— Ҳаяжонланмадим. Мен шуни кутган эдим. Концертга келишдан олдин, албатта, мен Иглесиас билан танишаман ва саҳнада у билан қўшиқ айтаман, деб ният қилгандим. Ниятимга етдим.

— Саҳнада қўшиқ айтганингиздан кейин нималар ҳақида ўйладингиз? Ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

— Бир-икки қўшиқ айтганимдан кейин Энрике мени етаклаб саҳна ортига олиб ўтди. Шу ерда кутиб тур, деб ўзи яна саҳнага қайтди. Ўша ерда туриб кўзимга ёш келди. Ўзбекистонлик эканимдан фахрландим. Чунки улкан Россиянинг пойтахтида кимсан Энрике Иглесиас билан бирга саҳнада қўшиқ айтиш менга, бир ўзбек йигитига насиб этганидан жуда ҳам фахрландим.

— Қўшиқ айтиб бўлгач,

— Концертдан чиққанимдан сўнг москваликлар мени ўраб олишди. “Зўр айтдинг”, деб кўплари мен билан суратга тушишди. Айрим қизлар ҳатто, “жонли айтдингми” деб сўради.

— Келажак режаларингиз қандай?

— Машҳур санъаткор бўлишни истайман. Саҳнада танилишни, катта концертлар беришни хоҳлайман.

— Ҳозир бирор янги қўшиқ ёки албом устида ишляпсизми?

— Ҳозир бир албом устида ишляпман. Кузнинг охирига тайёр бўлади. Бу шунчаки албом эмас, зўр албом бўлади. Кейин жонли концерт бериш ниятим бор.

— Америкага концерт бериш учун таклиф қилсак, келасизми?

— Албатта, агар Америкада ҳам мухлисларим бўлса, жон деб улар учун бориб қўшиқ айтишни хоҳлардим.

P.S.: Улуғбек Исмоилов билан суҳбатимизни газетага тайёрлаш жараёнида у билан Тошкент Давлат юридик институтида бирга ўқиган бир курсдоши билан гаплашиб қолдик. Унинг айтишича, Улуғбек талабалик пайтидан Энрикенинг ашаддий мухлиси сифатида таниқли бўлган экан. Ўртоқлари баъзан ҳатто уни Энрикенинг исмига мослаб Улуғи Исмоилиас деб чақирар экан.

Интилганга толеъ ёр деганларидек, Улуғбек ҳам Энрике билан учрашиш, у билан бирга қўшиқ куйлаш ва ҳатто унинг олқишларини олиш ниятига эришди. Ёш қўшиқчига биз келгуси ижодий фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз. Улуғбек Исмоиловнинг Энрике Иглесиас билан айтган қўшиқларини ёки унинг ўз ижод намуналарини тинглаб томоша қилишни истасангиз, унинг YouTubeдаги <http://www.youtube.com/user/ulugbekismailov> манзилга таширф буюришингизни тавсия этамиз.

Беҳзод МАМАДИЕВ
суҳбатлашди.



ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚ ИЧАК ЯРАСИ ЗЎРАЙИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

САЛОМАТЛИК

Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси қай сабабдан келиб чиқади? Кечиши ва асоратлари қанақа? Тошкентдаги «Чинобод» санаторийсининг олий мутафали гастроэнтерологи Холда ОЧИЛОВА ана шу саволларга жавоб берди.

АЙБДОР ЎЗИМИЗ!

- Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси дейилганда мазкур аъзолар шиллиқ қаватида ҳосил бўладиган яра тушунилади. Касалликка туртки берувчи омиллар бир қанча, жумладан:

* овқатланиш тартибига риоя қилмаслик: узоқ вақт оч юриш (натихада ошқозон кислотаси шиллиқ қаватни емириб, яра ҳосил қилади); аччиқ, шўр, дудланган, қовурилган ва овқатларни кўп ейиш;

* мунтазам равишда спиртли ичмликлар ичиш, чекиш;

* инсон организми учун заҳарли кимёвий моддалар таъсири;


* ирсий мойиллик.

Шунингдек, тез-тез асабийлашадиган, жаззаки, стресслардан қийналадиган одамларда ҳам ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси кўп кузатилади. Чунки одам руҳан сиқилганда ёки асабийлашганда мазкур аъзолар шиллиқ қаватини қон билан таъминлайдиган томирлар торайиб, қон айланиши бузилади. Бу эса бора-бора яра пайдо бўлишига имкон яратади.

КАСАЛЛИК БЕЛГИЛАРИ

- Беморлар асосан тўш ости соҳасидаги оғриқдан шикоят қилишади. Ошқозон ярасида 15-30 дақиқадан кейин, ўн икки бармоқ ичак ярасида эса 1-1,5 соатдан кейин оғриқ бошланади. Шунингдек, ўн икки бармоқ ичак ярасида наҳорда ҳам оғриқ кузатилиб, нонуштадан кейин ўтиб кетади. Баъзан оғриқ курак соҳасига ёки кўкрак қафасига тарқалиши мумкин.

Беморларни кучли жигилдон қайнаши ҳам қийнайди. Жигилдон қайнаши кўпинча овқатлангандан 2-3



соат ўтиб бошланади. Шунингдек, сассиқ кекирик, кўнгил айниши, баъзан қушиш кузатилади. Яра ўн икки бармоқ ичак-да жойлашган бўлса, беморни қабзият, яъни ич қотиши безовта қилиб туради.

АСОРАТЛАРИ ХАВФЛИМИ?

- Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, айниқса, баҳор-куз фаслларида хуруж қилади. Бу вақтда бемор иш қобилиятини йўқотади, иштаҳаси йўқолиб, ҳолсизланади. Ўз вақтида даво чоралари кўрилмаса, касаллик оғирлашиб, турли асоратларга сабаб бўлади.

Яранинг тешилиши хавфли асоратлардан биридир. Бунда қоринда тўсатдан ханжар суққандек оғриқ пайдо бўлади, бемор ҳушидан кетиши мумкин. Уни зудлик билан касалхонага олиб бориш ва жарроҳлик усулини қўллаш зарур.

Яра қонаганида бемор кўққисдан ҳолсизланади, баданини муздек тер босади, ҳатто, ҳушидан кетиши мумкин. Баъзан қон қуйқасига ўхшаш қусадиган бўлади. Беморга зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш зарур.

Ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги тез-тез хуруж қилганда ошқозондан ўн икки бармоқ ичак ярасига ўтиш йўли торайиб, пилоростеноз келиб чиқади. Бунда бемор нима истеъмол қилса ҳам қусадиган бўлиб қолади. Чунки овқат ўн икки бармоқ ичакка ўтмай, ошқозонда туриб қолади. Бундай вазиятда жарроҳлик муолажаси зарур.

ТУЗАЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

- Касалликни даволаш шифокор назоратида олиб борилади. Врач керакли дори-дармонлар ва парҳез буюради. Бемор ошқозон шиллиқ қаватига таъсир этувчи аччиқ, шўр, ўта қовурилган таомлардан; нордон олма, нок, олхўри, ўрикдан; турп, редиска, селдерей, пиёздан тийилиши зарур. Оз-оздан тез-тез (қунига 4-5 маҳал, ҳар 3 соатда) овқатланиш керак. Кечаси оғриқ безовта қилса, бир стакан сут ёки янги ивигилган қатиқ ичган маъқул. Сутли таомлар ва бугда пиширилган сабзавотли овқатлар бемор учун парҳез ўрнига ўтади.

Ўз вақтида дам олиб, камида 7-8 соат ухлаш, асабийлашмаслик, шифокор буюрган тартибга риоя этиш жуда муҳим. Куз ва баҳорда профилактик муолажалар ўтказиб турилса, касаллик хуружининг олди олинган бўлади.

Унутманг, соғлигингиз ўз қўлингизда!

Аброр МАШАРИПОВ
ёзиб олди.

Касаллик хуруж қилмаслиги учун уй шароитида куйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

- Қунига 3 маҳал, овқатланишдан 1 соат олдин 1 чой қошиқдан чаканда ёғи қабул қилинг.

- Уч ҳафта давомида қунига 3 маҳал янги тайёрланган қарам сувидан ярим стакандан ичинг.

ХАЛҚ ТАБОБАТИДАН

- Бир ҳафта давомида нонушта ва тушлиқдан 20 дақиқа олдин ярим пиёла картошка суви (қизил картошка бўлса, янада яхши) ичинг. Бир ҳафталик танаффусдан кейин муолажа такрорланади.

- 1 стакан янги ивигилган қатиққа 1 ош қошиқ ўсимлик ёғи аралаштириб ичиш яранинг яхши битишига ёрдам беради. Муолажа муддати – 1,5-2 ой.

- Қунига 2-3 маҳал сабзи суви ичиш ҳам фойдали.



ОШҚОЗОН ЯРАСИ ЮҚУМЛИМИ?

Ўтган асрнинг охирида австралиялик олимлар Робин Уоррен ва Барри Маршалл ошқозон-ичак ярасига сабаб бўлувчи бактерия – хеликобактер пилорини аниқлашган. Маълум бўлишича, ушбу бактерия ошқозон кислоталигини ошириб, шу тариқа яра касаллигига олиб келар экан.

«Хеликобактер пилори» лотинча сўз бўлиб, «қорин бўйнида яшайдиган спиралсимон бактерия» деган маънони билдиради. У фақат одамларда яшагани учун ҳайвонларда синаб кўриб бўлмасди. Шунинг учун Маршалл кашфиётни тасдиқлаш мақсадида ўзида тадқиқот ўтказди: ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яллиғлангандан кейин яра билан қопланишини кузатиб.

Хеликобактер пилори жуда тез юқади. Ҳатто, онанинг гўдакка ўз қошиғидан овқат бериши, бир идишдан сув ичиш ҳам бактерия юқиши учун етарли экан. У дунё аҳолисининг ярмидан зиёдида учраса-да, кўпчиликда белгилари кузатилмайди. Бактерия жуда кўпайиб кетган тақдирда касаллик кўзга тиши мумкин.

Тиббиётдаги оламшумул янгилиги учун Робин Уоррен ва Барри Маршалл 2005 йили Нобел мукофоти билан тақдирланган.

PRIVATE SCHOOL
CONCORD RUSAM INC.
LICENSED BY THE NEW YORK STATE EDUCATION DEPARTMENT

**Tibbiyot sohasida tez va oson ish topish
istagida bo'lganlar diqqatiga!!!**

Concord Rusam, Inc. xususiy maktabi sizga AQShda eng kerakli bo'lgan tibbiyot kasblari bo'yicha ta'lim olish imkoniyatini beradi. Quyidagi qisqa muddatli o'quv kurslarini taklif etamiz:

- Certified Nurse Aide (CNA)
- Phlebotomy Technician
- Electrocardiography Technician (ECG)
- Patient Care Technician (PCT) – Includes Certified Nurse Aide, Phlebotomy Technician, and Electrocardiography Technician.
- Medical Billing and Coding (MB&C)
- Home Health Aide (HHA)
- Upgrade of Personal Care Aide to Home Health Aide (PCA-HHA)

Concord Rusam nazariy va amaliy bilimlar beradi. O'qish so'ngida maktab binosida imtihonlar topshiriladi.

Shuningdek, maktabimiz **hamshira (Registered Nurse) litsenziyasini olish uchun** topshiriladigan NCLEX imtihoni uchun Tayyorgarlik kursini ham tashkil etadi. Ushbu kurs leksiya, kitoblar, qo'shimcha materiallar, test savollaridan iborat CD hamda videodarslar asosida olib boriladi.

Qo'shimcha ma'lumot va ro'yxatdan o'tish uchun quyidagi raqamlarga qo'ng'iroq qilishingizni so'raymiz:

Tel: 212-619-2260 **Toll Free:** 877-787-4500 **Fax:** 212-6192263
E-Mail: info@concordrusam.com
Website: www.concordrusam.com
Address: 160 Pearl St. 3rd Fl, New York, NY 10005

ТАОМНОМА

Бугун сизлар билан антиқа товуқ димламасини тайёрлаб кўрамиз. Агар сиз товуқ гўштини унчалик хушламасангиз ҳам бу мазали таомни пиши-

қўямиз. Худди шундай баланд оловда бўлакланган ва тузланган картошкани ҳам қовуриб, қизартириб оламиз. Уларни ҳам бир идишга олиб қўямиз. Қолган ёғга парраклаб кесилган пиёзни соламиз ва уни ҳам қизартириб, оловни ўчираемиз. Пиёз ёғда қолаверсин.

устини яхшилаб беркитаемиз. Қолган масалликларни ҳам худди шу ҳолатда фолгаларга алоҳида-алоҳида ўраб чиқамиз.

Тайёр бўлган фолга бўлақларини духовка листига тахлаб чиқамиз ва 400°F/200°C градусли духовкага 20-25

ФОЛГА ИЧИДАГИ ТОВУҚ ДИМЛАМА

риб кўрсангиз, у сизнинг ҳам севимли таомларингиз рўйхатидан жой олишига ишончимиз комил.

Таом учун керакли масалликлар:

Ярим кило бўлакланган товуқ,

4-5 бўлак картошка,

2-3 бўлак сабзи,

2 та пиёз,

Укроп, ошқўқлар,

туз, мурч, кашнич,

зира уруғлари,

ўсимлик ёғи ҳамда сарёғ.

Аввал бўлакланган товуқ гўштини туз, зира, мурч, кашничдан тайёрланган зирворлар билан аралаштириб оламиз. Сўнг товуқ бўлақларини (оёқлари бўлса мақсадга мувофиқ) аввал баланд оловда ёғ билан қизартириб оламиз. Тухум ва унли аталага қизартириб олинган товуқларни ботириб, яна ёғда қизартираемиз ва бир идишга олиб




Сабзи ва укропни ҳам парраклаб кесиб тайёрлаб қўямиз.

Энди икки томонидан ярим қарич келадиган фолга олиб, унинг ичига аввал ёғдаги пиёзни, икки бўлак товуқни, картошкадан 4-5 таси, сабзи бўлақларидан 2-3 тасини бир жойга териб чиқамиз. Улар устидан бир бўлакча сарёғ соламиз ва энг устига укроп сепиб қўямиз. Сўнгра фолганинг

минутга қўямиз.

Овқатимиз ҳам пишиб қолди. Ҳар бир фолгадаги товуқ бир порция бўлади. Ликопчага фолга билан қўйинг. Ейдиган одам ўзи очиши қизиқроқ бўлади. Ёқимли иштаҳа!



Майиз сув шимиб шишиб қолган бўлса, уни сувдан силқиш учун бирор жойга олинг, ошхона салфеткасига ёйсангиз ҳам бўлади.

Духовкани ёқиб, 350°F/180°C градусда қизитиб қўйинг.

Хамирни холодилникдан олиб, 3 ёки 4 қисмга бўлиб, бир бўлагини 2 см қалинликда ёйинг ва устига тухум оқини суртиб, майдаланган ёнғоқ ва майизни сепиб чиқинг. Хамирни секин-аста ўраб, духовка листига қўйинг. Ҳамма бўлақларини шундай ўраб листга тахлаб чиқинг.

30 минутларда пишади. Усти сал қизаргач духовкадан олиб дарров бўлақчаларга эҳтиётлик билан кесиб чиқинг. Бўлақчалар совугач, устига сгушенка суртиб, кокос стружкаларидан сепиб чиқинг.

Ёқимли иштаҳа!

Саҳифани Лобархон УСМОНОВА тайёрлади.

Only The Best Ingredients For Your Taste

Locally Owned Since 1968

Tabor

Pizzeria & Restaurant

973-540-0898
FAX: 973-540-0822

We Deliver • We Cater
Minimum \$10 / \$1.75 Delivery Fee
Morris Plains • Parsippany • Denville • Mt. Tabor

976 Tabor Road (Rt. 53) • Morris Plains
Open Daily 10:30a.m. - 10:00p.m.

KINGS FOOD
International Food Market

1914 KINGS HIGHWAY • BROOKLYN, NY 11229
PHONE: 718-336-8100

Alaverdi
УЗБЕКСКАЯ КУХНЯ

Самые лучшие шашлыки в Филадельфии!
Лепешки, выпеченные в тандыре

ВУОВ

Прекрасное место для проведения юбилеев, свадеб, дней рождения, бармицв, батмицв и др.

СССР - СПИРТНОЙ С СОБОЙ РАЗРЕШАЕТСЯ

Владелец ресторана Амри, искусный повар, приглашает вас в свой ресторан

267-902-1285
1916 Welsh Road, Philadelphia, PA 19115
(Plaza Welsh & Old Bustleton)

Бир косиб ўғлига:
— Мен қариб қолдим, энди хўжаликни сен бошқарсан, ишла, пул топ! — дебди.

Бола нима қилишини билмай, онасига унинг гапларини айтибди.

Она эса:

— Ҳали ёшсан, қаердан ҳам пул топиб хўжаликни бошқарсан, — дебди ва унга озроқ пул берибди. Бола севинганича отасининг олдида келиб:

— Отажон, мана, пул топиб келдим, — дебди. Шунда ота боланинг қўлидаги пулни олиб ўтга ташлабди. Бола хўрсинибди, лекин индамай яна пул топиш дардида кўчага чиқибди. Ҳар қанча уринмасин пул топа олмабди. Яна онаси олдида келибди. Оналар кўнгли ниҳоятда юмшоқ бўлади. Она ўғлига

яна пул берибди. У эса севиниб отаси олдида югуриб келибди ва:

— Отажон, мана, пул топиб келдим, — дебди. Ота ин-

ИҚРОР БЎЛДИ

(ўзбек халқ эртаги)



дамай пулни олибди-да, яна ўтга ташлабди. Бола мулзам бўлиб кўчага чиқибди. Узоқ юрибди.

Қараса, бир киши иморат кураётган экан.

— Ассалому алайкум, амаки! — дебди бола.

— Ваалайкум ассалом, кел, кел, болам, — дебди. Бола хурсанд бўлиб дарров ғишларни ташишга ёрдамлашибди. Буни кўрган ҳалиги киши севинибди, уни мақтабди. Иссиқ овқат, чой берибди. Бола то иморат битгунича шу кишига ёрдамлашибди. Боланинг ишидан мамнун бўлган киши унга ўн икки танга бериб, раҳмат айтибди. Бола хурсанд бўлиб уйига қайтибди:

— Отажон, мана, пул олиб келдим, — дебди. Одатдагидек, ота тангаларни олиб ўтга ташламоқчи экан, бола дод деб отасининг кўлига ёпишибди. Шунда ота:


— Балли, болам, ана энди хўжаликни бошқариш қўлингдан келади, — деб дуо қилибди.

БОЛАЖОНЛАР САҲИФАСИ




© D.Tojialiyev

РАСМЛАРДАГИ 10 ТА ФАРҚНИ ТОПИҢГ



СИЧҚОНЧАГА ПИШЛОҚҚА ОЛИБ БОРАДИГАН ЙЎЛНИ ТОПИШДА ЁРДАМ БЕРИҢГ



1. Сув эмас, симда оқар, Ўт эмас, чироқ ёқар.
2. Кечаси офтобдек, Кундузи коптокдек.
3. Ташқари ёз, дим-олов, Уйчамизда муз, қиров.
4. Катта қути, кўзи бор, Кўп томоша, сўзи бор.

ТОПИШМОҚЛАР

5. Жонсиз, тинглайди, Қўлсиз, ёзади, Тилсиз, сўзлайди.
6. Узоқларга учса ҳам, Талпиниб қанот қоқмас.
7. Баланд темир уй юрар, Бурни тоғларни сурар.
8. Сен ичида турсанг тикка, Олиб чиқар юксакликка.
9. Тили пўлат шоввоз, Сўзлай олмас беқоғоз.
10. Чўзилиб ётар нарвон, Ундан ўтар уй-карвон.

ҲАДИСЛАРДАН ЁД ОЛАМИЗ

ТАШАККУР АЙТМОҚ

Расулulloҳ (с.а.в.): «Одамларнинг қилган яхшилиги учун ташаккур айтмайдиган киши Аллоҳ таолога ҳам ташаккур айтмайди», дедилар.

ЯХШИЛИККА ЭРИШМОҚ

Расулulloҳ (с.а.в.): «Бу дунёда яхшилик қилган кишилар охиратда яхшиликка эришадилар ва шариатда ёмонлик деб саналган ишларни қилувчилар охиратда ёмонликка дучор бўладилар», дедилар.

ЯХШИ ГАП ҲАМ САДАҚА

Расулulloҳ (с.а.в.): «Ҳар бир мусулмон киши садақа қилиши керак», дедилар. Саҳобийлар: «Садақа қилишга қодир бўлмасачи?» — деб сўрашди. «Садақа қилишга қодир бўлмаса ишлайди, ўзига ҳам фойда ва

ундан бошқа фақир мискинларга ҳам садақа бўлади», дедилар. Саҳобийлар яна: «Ишлашга ҳам қурби етмасачи?» — дейишди. «У ҳолда муҳтож ва мазлум кишига қўли ёки тили билан ёрдам қилади», дедилар. Улар: «Буни ҳам қила олмасачи?» — деганларида, «Яхшиликка буюради», дедилар. Улар: «Амри маъруф қилишни ҳам билмасачи?» — дейишди. «Кишиларга ёмонлик қилишдан ўзини сақлайди. Бу ҳам киши учун садақа бўлади», дедилар.

ЭЗГУ АМАЛ

Расулulloҳ (с.а.в.): «Бир киши кўчада ётган бир тиканни кўрди-да, биронта мусулмоннинг оёғига озор бермасин, деб четга олиб ташлади. Мана шу иши туфайли унинг гуноҳи кечирилади», дедилар.

(Ҳадисларни Бухорий бобомиз ривоят қилганлар.)

1-сонда берилган топишмоқларнинг жавоблари:

1. Акс-садо. 2. Қўлқоп. 3. Туш. 4. Оёқ кийимининг чарми. 5. Харитада. 6. Сувда. 7. «Ухлаяпсанми?» — деган сўроққа. 8. Бугун. 9. Кийик. 10. Иккови ҳам.

2-сонда берилган топишмоқларнинг жавоблари:

1. Тешик идишни. 2. Қуруқ тош. 3. Тўхтаган соат. 4. Хўл дархатга кўнади. 5. Уйғониб. 6. Тракторчилар — аёллар, Аҳмад аканинг сингиллари. 7. Эшик очик бўлса. 8. Қудуқда. 9. Кундуз соат 3 да. 10. Ит тишлаганда.

3-сонда берилган топишмоқларнинг жавоблари:

1. Саккизта лампочка қолади, чунки уч лампочка сингани йўқ. 2. Киши номи. 3. Айта олмайди, чунки гапира олмайди. 4. Менинг ўзим. 5. Мушук. 6. Бешта: чолу кампир, икки ўғил, бир қиз. 7. Тўрт мушук. 8. Ўзининг сурати. 9. Қовун. 10. Битта ҳам олма йўқ, қарағайда олма бўлмайди.

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ДОНИШҚИШЛОҚ ЛАТИФАЛАРИ

(Давоми. Боши аавалги сонларда)

ТАНДИР КИЙГАН МАТМУСА

Ўзи тандир қуролмай,
Кўниб охир тақдирга,
Шаҳар томон йўл олди
Матмусавой тандирга.

Тандир бозор қизиган,
У тушгача айланди
Ва ниҳоят бозорнинг
Зўр тандири сайланди.

Чертса, уч кун жаранлар,
Бир умрга етади.
Лекин уни қишлоққа
Қандай олиб кетади?

Ўйлаб кўрса, эшакка
Ортмоқнинг йўқ чораси.
Ортганда ҳам, арқонлаб
Тортмоқнинг йўқ чораси.

Аҳли бозор йиғилди,
Қизиб кетди маслаҳат.
Барчада бир шу ташвиш,
Ҳаммада шу ўй фақат.

Кенгашилди, ўйланди,
Миндирилди охири
Эшагига — Матмуса,
Матмусага — тандири.

У шод, бундоқ тадбирни
Топмас энг зўр топқир ҳам.

Ўзи яёв қолмади,
Зап ўрнашди тандир ҳам.

«Ҳайё-ҳайт» деб йўл олди
Донишқишлоқ томонга.
Мана, тандир ичидан
Қараб борар осмонга.

Ҳар қанчаки интилар
Матмуса йўл кўролмас.
Менинг уйим қайда? — деб
Одамлардан сўролмас.

Кетиб борар таваккал,
Кўкка қараб «Танғрим!» — дер,
— Мени қилма шарманда,
Эшагимга ақл бер».

Бедапоя кўрганда
Эшак шўрлик нетади?
Қишлоқ қолиб мағрибда,
Машириқ томон кетади.

Кун ботару шом тушар,
Юлдуз чиқар осмонга,
Ҳамон борар Матмуса,
Етмас манзил-маконга.

Дейдиларки, то бу дам
Йўлда эмиш Матмуса.
Боши ҳам йўқ, чеки йўқ
Чўлда эмиш Матмуса.

Аё дўстлар, адашган
Бир мўминдан кулмайлик.
Матмусадек ўзимиз
Тандир кийган бўлмайдик!

МАТМУСАНИНГ ҚЎШИҒИ

Беиш қолди Матмуса,
Энди не қилув керак?
Бир товукқа албатта
Ҳам дону ҳам сув керак.

Бекор қолсанг ёстиқ ҳам
Ёнбошинга ботади.
Телевизорга токай
Термилганча этади?

Оинаи жаҳонда
Кўйламаган оғиз йўқ.
Ўйлаб кўрса ўзидан
Ўтадиган ҳофиз йўқ.

Ўйлади, аввал бошни,
Сўнг ёнбошни қашлади.
Тўртта одам йиғилса
Қўшиқ айтабошлади.

Эшитарми одамлар,
Эшитмасми, иши йўқ?!
«Боғ аро»ни кўтарар,
Бас, дейдиган киши йўқ.

Ўзи бўлар маҳлиё
Ўзи айтган куйларга.
Таклиф бўлса, бўлмаса
Бораверар тўйларга.

Матмуса келган ердан
Қочар бўлди одамлар,
Тунлар қулоққа ёстиқ
Босар бўлди одамлар.

Оқсоқоллар дедилар:
Бир иложни ўйлайлик.

Матмусани қишлоққа
Тўра қилиб кўяйлик.

Бўлса катта амалдор,
Курсиси баланд бўлса,
Мажлис, қабул, нутқ, сафар...
Хуллас, доим банд бўлса,

Балки қўшиқ айтишга
Вақти қолмас, улеурмас.
Амалидан уялиб
Ҳофизликни эп кўрмас...

Келишдилар, Матмуса —
Энди қишлоқ тўраси.
Кўпайиб қолди, кўринг,
Қадрдони, жўраси.

У курсида ўлтирар,
Қўлни қўйиб белига.
Яна ҳам қийин бўлди
Донишқишлоқ элига.

Кимки бирор иш билан
Ҳузурига киради —
Матмуса арз эшитмас,
Қўшиқ айтиб беради.

Чидаб сукут сақлаган
Марҳаматга эш бўлур.
Қўшиғини мақтаган
Албат иши беш бўлур.

Оқибат Матмусанинг
Касали баттар бўлди.
Саҳар бошлаб ашула
Кечгача айтар бўлди.

Оқшомлари гузарда
Авжни олиб туради.

Erkin VOHIDOV,
O'zbekiston Xalq shoiri

Эшитсанг-ку хўбу хўб,
Эшитмасанг — уради.

Тўра бўлгач, бошқа хил
Овозларни йўқотди.
Мени мазах қилди, деб
Хўрозларни йўқотди.

Донишқишлоқда энди
Бошқа бирор қўшиқ йўқ.
Биргина Матмусанинг
Қўшиғига тўсиқ йўқ.

Одамлар ижирғаниб,
Қарғаб, қулоқ солдилар.
Илож қанча, охири
Ўрганиб ҳам қолдилар.

Ҳатто қўмсаб, ноёб деб,
Сўйлар бўлди халойиқ.
Матмусага ўхшатиб
Куйлар бўлди халойиқ.

Қарсак, олқиш, мадҳия
Авжага чиқиб басма-бас,
Халқ деди: бизга энди
Бошқа қўшиқ керакмас.

Ҳаммамиз бу қўшиқнинг
Фидойиси бўлармиз.
Уни айтиб яшадик,
Уни айтиб ўлармиз.

Алқисса, булбули йўқ,
Хўрози йўқ ул маъво —
Донишқишлоқда ҳамон
Янгарар ёлғиз бир наво.

(Давоми келгуси сонда.)

AIRPORT SERVICES IN NEW YORK



ТОШКЕНТГА АВИАЧИПТАЛАР!

Аэропортда кутиб олиб, NYC аэропортидан 300 милгача масофа бўлган бошқа штатларга олиб бориб қўйиш ёки олиб келиш.

AIRLINE TICKETS TO TASHKENT!

Meet you/your guests at the JFK, LGA and Newark Airports and give ride to/from other states up to 300 ml from NYC Airports.

Asqar
Leo Avia Express

718-354-5000, 718-570-7007
Email: flytotas@gmail.com

TOYOTA



High volume Toyota dealer, located in Brooklyn, is currently seeking sales people to head up their Pre-Owned department. Applicants should be energetic, passionate, self-disciplined, a self-starter and punctual. Bilingual is a plus. If you are an organized and an excellent communicator and want to join our winning team, please contact Mohammad Ali, 917-939-4464 or email your resume to mohammad.ali@bayridgetoyota.com

Applicants MUST NOT have prior experience as a pre-owned sales person.

We offer:

- * Sizable commissions
- * Bonus Programs
- * Sales Incentives and contests
- * Paid Vacations
- * 401K
- * Benefits
- * Job specific training and advancement opportunities
- * Support of a financially stable company .



Болаларнинг ғавгоси бартараф эгидан бир куч пайдо бўлди — телевизор! Ҳа ишонаверинг! Ишдан келасиз, ғинғир-ғирғир бошланса, «Бор телевизорингни кўр!» дейсиз, зумда тинчишад.

Аммо ғавгонинг каттаси ҳам телевизор бузилгандан кейин бошланаркан. «Тузатириб беринг, уста чақиринг!» Бир ёқда болалар эгволаб, иккинчи ёқда хотин жавраб тургандан кейин, бошингиз ғовлаб кетаркан.

— Исмоил устага олиб бор, — маслаҳат берди Жабборали кўшним. — Бир паста ўнғариб беради.

— Қайси Исмоил?

— Тошпўлат индамаснинг ўғли-чи, пастмаҳалладан, — Жабборали тушунтира кетди. — Аммо боришдан олдин қулоғингга пахта тикиб олгин. Исмоил жуда эзма бўлган, гапиравериб қулоғингни қоқиб, қўлингга беради, — ошнам кулди.

Парво қилмадим. Эзма бўлса нима, тузатиб берса бўлди-да, деб телевизорни велосипедга ортдим.

Исмоилни танирдим, аммо ҳеч ош-қатиқ бўлмагандим.

Яхши, уста жойида экан, эшикни ўзи очди. Саломимни жавобсиз қолдириб, олдин менга, кейин телевизорга қараб, чиққан эшигини каттароқ очди. Устахонасига кирдик. Турли асбоблар қалашиб ётган, катта столга имо қилди, телевизорни қўйдим.

Уста телевизорнинг орқасини очиб, бир-икита ашёларини суғуриб, текширган бўлди. Сўнг стулини орта суриб, сигарет тутатди. Менам эски телевизор устига чўкиб, у кишига қўшилдим. Сигаретлар кулга айланди. Аммо уста иягини сила-

ганча ўтираверди. Ўзимча, телевизоримнинг касали ҳақида бош қотирипти, деб ўйладим. Лекин беш, ўн, йигирма минут бош қотиришдиям, ўйлаб ўйларига етишолмади.

— Дарди оғирроқмикан? — деб сўрадим.

— Йўқ.

— Унда нега?..

— Паянникни Қамбарали олиб кетганди.

Тушундим. Қамбарали деганлари кўшни қишлоқда туради. Уям уста. Хойнаҳой, ярим соатда олиб келиб бераман деб паянникни олиб кетган. Ҳозир келиб қолса керак, уста шунни кутяпти.

Жимгина ярим соат кутдик.

Бу орада чекиш бўйича эълон қилинмаган мусобақамиз учу иккига етди. Олдинда мен.

— Шу... велосипедим бекор турибди... Қамбаралидан паянникни олиб келиб қўяқолсам бўлмайдами? — дедим тўртинчи сигаретни тутатиб.

Уста менга бир қаради-ю, индамди. Аммо ўрнидан туриб, эшикка юрди. Ойнадан қарасам, велосипедимни миниб, жўнади.

Олдинига, «Шуни олдинроқ айтсам ўлармидим!» дедим. Кейин эса, «Ақл ўргатмай ҳар бало бўл! Оғзингни юмиб жимгина ўтирсанг бир бало бўлиб қолармидинг!» деб роса беш соату қирқ бир минут ўзимни ўзим сўқдим! Ҳа, беш соату қирқ бир минут сўқдим! Устахона очиқ қолган, ташлаб кетсам бўлмайди, бир. Телевизоримни ҳам очиб қўйган, уни бер-

китишинг ўзи бўлмайди, икки. Велосипедимни бўлса, уста миниб кетган — қаерга борардим, уч. Сўкиниб ўтиравердим!

Бу пайтда уста Қамбаралининг уйига борибди. Велосипеддан тушибди. Ариқ буйидаги курсига ўтирибди. Шу ўтирганча ўтираверибди. Қамбаралининг хотини кир юваётган экан, сувга чиқибди. Сувни олиб кириб кетиб, кирига иситиб, ишлатиб, яна сувга чиқса ҳам уста ўтирганмиш-да.

— Дадаси керакмиди? — келиннинг тили бор экан, ҳайрият сўрабди.

Уста бош қимирлатибди.

— Сайдилла аканикига кетганди.

Уста Саъдулланикига йўл олибди. Саъдулла бир машина буғдойни кўчага тўктириб, тегирмонига ташиш билан овора экан. Уста унга бош қимирлатиб қўйибди-да, сигарет тутатиб, сўрига чўкибди. Яна ўтираверибди... Саъдулла бир машина буғдойни ташиб бўлибдиям ўтирганмиш-да!

— Ҳа, ака, тинчликмиди? — сўрабди ювиниб-тараниб чиққан Саъдулла.

— Қамбарали керак эди?..

— Қамбарали?.. Қамбар ака бу ерга келмади?.. — Саъдулла хайрон бўлиб, бир зум ўйланиб қолибди. Сўнг: — Э, адашим, ҳов, носпуруш Насриддин буванинг ўғли Саъдулла телевизорим бузуқ, уста айтиб келдим, деётганди, ўшаникидадир? — дебди.

Омадимнинг келганини қаранг: Саъдулланинг адаши Саъдулла туғилган куни бахона, ўртоқлари билан, ховлида балиқ пиширишадиган экан. Устани ҳам давра-

га таклиф қилибди. «Жиндай-жиндай»дан бошланган ичиш, «охиригача ичиш»гача етибдиямки уста ўтирганмиш-да! Саъдулла охирги улфати кузатиб қайтиб:

— Тинчликмиди, устака? — деб сўрабди ҳарқалай.

— Қамбарали керак эди?

— Э, Қамбарали ака телевизоримни тузатиб, сиз келмасдан жиндай бурун, уйига кетганди!

Яхши, Қамбаралининг хотини кирини тамомламаган экан, ярим соатда сувга чиқиб қолибди:

— Паянникингизни ташлагани уйингизга кетовди! — дебди.

Энди бу ёғини чўзсам бўлмас-а? Сизниям вақтингизни олиб, жуда кўп гапириб юбордим.

Хуллас беш соату қирқ бир минут сўкинганим бежиз кетмади, эшикдан уста кириб келди.

Бир сўз демай паянникни тўкка суқдилар.

Телевизоримнинг орқаси теккиздилар...

Сўнг қопқоғини ёпиб, қўлидаги отвёркани тақ этказиб столга ташладилар-да, менга маъноли қарадилар.

Тушундим: телевизорни кўтариб, велосипедга ортдим.



Уйга келиб қўйсам, телевизорим бинойидай кўрсатиб турибди.

Жабборали:


— Қалай, қулоғинг битиб қолмади? — деб яна кулди.

Нимага кулади, ҳайронман. Куладиган иш бўлгани йўқ, менимча.


СУДОКУ



2-сонда берилган сканворднинг жавоблари



3-сонда берилган сканворднинг жавоблари



ЭНИГА: 5. Машҳур ўзбек футболчисининг исми. 6. Инсоннинг таянч суяк тизими. 10. Кулоқ яллиғланиши касаллиги. 11. Чет эл фуқароси. 12. Германия автомобил маркаси. 17. Аъло сифатли, энг яхши. 18. Германия жанубидаги вилоят. 19. Қозоқ миллатига мансуб мумтоз шоири. 20. Санкт-Петербургдаги қўл. 21. Мияда пайдо бўладиган электромагнит тўлқинлари. 25. Ошқовоқ (шевада). 26. Ипдан ёки жундан тўқилганенгил мато. 27. Ёз фасли ойларидан бири. 28. Чора, имкон. 30. Африканинг аксарият аҳолиси ирки. 33. Юк ташувчи ҳайвон. 34. Абдулла Қаҳҳорнинг рафиқаси исми. 35. Арманистондаги тоғ чўққиси.

БҮЙИГА: 1. Кимёвий ўғит. 2. Бойлик, хазина. 3. Баҳайбат ўрмон қуши. 4. Хонадон маликаси. 7. Худосиз, динсиз. 8. Дунёдаги энг чуқур қўл. 9. Келишмовчилик «мева»си. 13. Кимдир. 14. Қўнғироқчали рақс. 15. Илмли, зиёли. 16. Энергия микдорини ўлчаш бирлиги. 22. Бадий асарда тасвирланган воқеалар занжири. 23. Туркия пойтахти. 24. Ола ит номи. 29. Ўринли. 31. Натижа. 32. Балиқ уруғи. 33. «Отдан баланд, итдан паст».

Тузувчи: Ғофуржон МАДАЛОВ

ТАБАССУМ

СУЗИШНИ БИЛАСАН-А,
ХОТИН?

Афандининг иккита хотини бор эди. Бир куни суҳбатда иккаласи бирдан:

— Афандим, тўғриси айтинг, қайси биримизни кўпроқ ёқтирасиз? — деб хавотирланиб сўрашди.

Хўжа Насриддин:

— Иккалангизни ҳам севаман, — деса ҳам хотинларини ишонтира олмади. Турли хил саволлар...

Кичик хотини:

— Майли, — деди, — иккаламиз ҳам бир вақтда сувда чўкаётган бўлсак, қайси биримизни биринчи қутқарардингиз?

Хўжа Насриддин, худди айтилганлар ростдан ҳам бўлаётгандек, катта хотинига айтди:

— Эй, хотин! Сен озгина сузишни биласанку. Шундай эмасми?

КЎК МУНЧОҚ КИМДА
БЎЛСА...

Афандининг икки хотини бор экан. Бир куни хотинларидан бирини бир чеккага тортиб унга бир кўк мунчоқ берибди ва: — Буни ол, яшир ва кундо-

шинга ҳеч нима дема, — деб уқтирибди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, иккинчи хотинига ҳам кўк мунчоқ бериб худди шу нарсани айтибди.

Бир куни хотинлар Афандининг қайси бирини кўпроқ яхши кўриши ҳақида баҳс ва

қилинмасдан ичкарига киришибди.

Овқатланиш вақти бўлгани учун, Хўжа Насриддиннинг хотини кечадан қолган қуён гўштидан шўрва пишириб меҳмонларнинг олдига қўйибди. Шундай қилиб улардан қутулибди.

тўла шўр сувни меҳмонларнинг олдига қўйибди. Меҳмонларнинг жуда ҳам аччиқлари чиқибди. Хўжа Насриддин ўзига аччиқланиб қараб турган меҳмонларга қарата шундай дебди:

— Идишдаги шўрва қуённинг шўрвасининг шўрваси. Қани олинлар...

НАСРИДДИН АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

мунозарага киришибди. Келиша олишмагач, масалани Афандидан сўрашибди:

— Қайси биримизни кўпроқ севасан?

Хўжа хар иккисига ҳам маъноли қараб қўйиб:


— Кўк мунчоқ кимда бўлса ўшани — дебди.

ҚУЁН ШЎРВАСИНИНГ
ШЎРВАСИ

Кунлардан бир куни бир овчи Хўжа Насриддиннинг уйда меҳмон бўлибди. Овлаб келган қуённи пишириб ўзларига чиройли бир зиёфат тайёрлашибди. Уларнинг иккаласи ҳам бу зиёфатдан жуда мамнун бўлишибди.

Орадан бир кун ўтиб яна Хўжа Насриддиннинг эшиги тақиллабди. Бир қанча бегона инсонлар:

— Хўжа Насриддин, биз қуён олиб келган овчининг қўшнилариимиз, — деб тақлиф



Орадан бир қанча кун ўтиб Хўжа Насриддиннинг уйига яна меҳмонлар келишибди. Хўжа уларга анграйиб қараб қолгач, ичларидан биттаси:

— Хўжа Насриддин, биз сенга қуён олиб келган овчининг қўшнилариимиз, — деб ичкарига киришибди.

Яна дастурхон ёзиш керак. Хўжа Насриддин бир идишда

ЎЙЛАЙДИГАН КУРКА

Хўжа Насриддин бозорда айланиб юрар экан, бир тўтиқушни жудаям қимматга сотилганини кўриб ҳайрон бўлди.

Югуриб уйига келди. Куркасини ушлаб бозорга олиб келди. Аммо келтирган молига тўтиқушнинг нархини ярмидан ҳам оз баҳо бердилар. Бу ҳолдан Хўжа Насриддин асабийлашди ва бақира бошлади:

— Тухумдеккина қушни шунчалик қимматга сотдилар, аммо шундай катта куркага унинг ярим нархини ҳам бермаяпсизлар?..

Харидорлардан бири Хўжа Насриддиннинг ёнига келиб унга деди:

— Хўжа, у тухумдеккина қуш гапиради, сенинг қушинг-чи?

Хўжа Насриддин жавоб берди:

— Менинг қушим ўйлайди...

СЕНИ ҚОЛДИРИБ КЕТГАНИ
УЧУН ЙИҒЛАЯПМАН

Хотини ўлганидан сўнг Афанди бир куни шўрва пиширди. Ўғли эса шўрвани сузиб дастурхонга қўйди. Ота-бола дастурхонда қарама-қарши ўтирарди. Ўғли шошқалоқлик қилиб, отасини кутмасдан бир қошиқ шўрва олиб ичди. Иссиқ шўрва томоғини куйдирди. Кўзига ёш келди. Хўжа боланинг кўзидаги ёшни кўриб:

— Нимага йиғлаяпсан, ўғлим? — деди.

Ўғли:

— Раҳматли онам бу шўрвани жуда ҳам ёқтирар эди. У хаёлимга келди, — деди.

Ўғлининг сўзлари Афандини ҳам ғамгин қилди. Аммо ўғлим овқатни есин деб дарҳол шўрвадан бир қошиқ олиб ичди. Унинг ҳам оғзи, томоғи куйди, кўздан ёшлар келди. Буни кўрган ва ич-ичидан қулган айёр ўғил:

— Ота, сиз нимага йиғлаяпсиз? — деб сўраганда Хўжа ичидан бир оҳ чекиб:

— Раҳматли онам фаришта бир аёл эди. Ўлгач эса сен каби болани менга мерос қолдирди. Шунга йиғлаяпман, — деди.

Муҳаммадамин ТЎХЛИЕВ
тайёрлади.

VATANDIN YAXSHI YOR BO'LMAS!

VATANDOSH

to your home!

DELIVER TO: Name: _____ Address: _____ City: _____ State: _____ Zip: _____ Phone: _____ E-mail: _____

BILLING: (if different from delivery address) Name: _____ Address: _____ City: _____ State: _____ Zip: _____ Phone: _____ E-mail: _____

You can contact me regarding events, promotions, sponsorship, opportunities.

You can contact me regarding events, promotions, sponsorship, opportunities.

SELECT PAYMENT METHOD

Check or money order enclosed (payable to VATANDOSH) in the amount \$48 (do not mail cash) for one year subscription*

Charge me \$48 with my credit card for a one-year subscription, and renew my subscription automatically at the end of subscription at the current published rate unless I notify you otherwise.

Charge me just 1-Year subscription fee in the amount of \$48

Please choose the card type:

Visa Master Card AMEX Discover

Credit Card #: _____

Name on the Card: _____

Exp. Date: ___ / ___ / ___ CVV: _____

Signature: _____

Date: ___ / ___ / _____

* Please send the check to 2715 Coney Island Ave, Brooklyn, NY. 11235

Subscribe to VATANDOSH online:
www.vatandosh.com
click on Subscribe

KHAVINSON & ASSOCIATES, P.C.
Американские адвокаты

ЕВГЕНИЙ ХАВИНСОН, ESQ.
(admitted in NY, PA)
Автоаварии, серьезные травмы — максимальная компенсация

ТАТЬЯНА АРИСТОВА, ESQ.
(admitted in PA, NJ)
Иммиграционный адвокат

Member of American Immigration Lawyers Association (AILA)

Сопровождение на интервью и в суд в Пенсильвании, Нью-Джерси и Нью-Йорке

ИММИГРАЦИОННОЕ ПРАВО

- Политическое убежище
- Защита от депортации в иммиграционном суде
- Апелляции и ведение иммиграционных дел в федеральном суде
- Восстановление проигранных дел
- Петиции о прощении и отмене депортации
- Защита женщин и детей от депортации
- Освобождение из задержания

ЛЮБЫЕ ИММИГРАЦИОННЫЕ ВОПРОСЫ в разумные сроки, по разумным ценам

ЕСЛИ У ВАС ЕСТЬ ТАЛАНТ...
O-1 - Визы для лиц с выдающимися достижениями
P-1/3 - Визы для артистов, художников, спортсменов
Грин-карты на основе Extraordinary Ability

ЕСЛИ У ВАС ЕСТЬ РАБОТА...
H-1B - Рабочие визы
Грин-карты через трудовой гарант (Labor Certification)

ЕСЛИ У ВАС ЛЮБОВЬ...
K-1/3 - Визы и грин-карты для супругов, женихов и невест граждан США

ЕСЛИ ВЫ СЕБЕ МОЖЕТЕ ЭТО ПОЗВОЛИТЬ...
L-1 - Визы и грин-карты для бизнесменов
Грин-карт для инвесторов - быстро, но дорого

ЕСЛИ ВАМ ПРОСТО ПОВЕЗЛО...
Грин-карты на основе DV-Lottery

Philadelphia Office: 221 West Street Rd. Trevese, PA 19053
New York Office: 1122 Coney Island Ave. Suite 220 Brooklyn, 11230
215.355.9095
215.350.7972
718.421.3815 (nights, weekends)

Пишите нам: tatiana@immigrationwise.com

Последние новости иммиграционной реформы можно прочесть на нашем сайте: www.immigrationwise.com

Безвыходных положений не бывает... Мы найдем решение.